

Наманган давлат университети

Қозоқов Тоҳиржон Қодиралиевич

Фарғона водийсида жадидчилик ҳаракати

Наманган-2018 йил

УЎК: 821-512-133-9

КБК: 84(5Ўзб)7

Қ.12

Масъул муҳаррир: тарих фанлари доктори, профессор
С.С.Аъзамхўжаев

Тақризчилар: тарих фанлари номзоди, доцент Б.А.Талапов
тарих фанлари номзоди, доцент З.У.Ҳайдаров
тарих фанлари номзоди, доцент К.А.Воҳидова

Ушбу монографияда Фарғона водийсида жади́дчилик ҳаракатининг келиб чиқиши, шаклланиши, ривожланиш босқичлари, жади́дларнинг маърифатпарварлик фаолияти, Туркистон Мухториятининг ташкил этилишидаги ўрни ҳақида атрофлича тўхталиб ўтилган.

Асар Ватан тарихи ихлосмандлари ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Мазкур монография Наманган давлат университети Илмий-техникавий кенгашининг 2018 йил 10 майдаги 5-сонли йиғилишида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-5331-4-1

©Қозоқов Тохиржон Қодиралиевич

©"Наманган нашриёти" 2018 й.

Муқаддима

Мустақиллик туфайли республикамиз ижтимоий - сиёсий, иқтисодий, маънавий ва сиёсий ҳаётида жуда катта туб ўзгаришлар рўй берди. Ўзбекистонда тарихий жиҳатдан қисқа бир давр ичида миллий давлатчиликни барпо қилиш, бозор иқтисодига ўтиш, халқаро муносабатларни йўлга қўйиш ва ривожлантириш бобида улкан ишлар амалга оширилди. Айниқса, истиқлол халқимизнинг маънавий уйғониши учун тўла имконият яратди. Юртимиз тарихи, қадимий маданиятимиз тикланмоқда ва олий кадрият нуфузига эга бўлмоқда.

Дарҳақиқат, ўзбек халқи мустақилликка тинч йўл билан эришган бўлса-да, истиқлол учун олиб борилган курашларнинг илдизлари узоқ тарихга бориб тақалади. Мустақиллик шарофати билангина бу курашлар тарихини холисона ўрганишга имконият яратилди ва миллий тарихимиз, маънавий бойликларимизни синфий, партиявий тўсиқлар билан халқдан ажратиб қўйишдек иллатга барҳам берилди.

Жадид ота-боболаримиз тарихини чуқур ўрганиш ёш авлодни баркамол қилиб тарбиялашда катта аҳамиятга эгадир. Зеро, Президентимиз таъкидлаганларидек: "...Биз

аждодларимизнинг ёрқин хотирасини асраб-авайлаб, қалбимизда, юрагимизда абадий сақлаймиз”¹.

Мустабидчилик даврида ҳукмрон коммунистик мафкура таъсирида ўтмишимиздаги талайгина тарихий жараёнлар, ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар коммунистик, маъмурий-буйруқбозлик тизими манфаатларига бўйсундирилган ҳолда сохталаштирилди, нотўғри талқин этилди.

Тарихчиларимизнинг ҳозирги кундаги долзарб вазифаларидан бири, ўтмишимиздаги ҳар бир ҳодиса ва воқеа маълум ижтимоий-сиёсий, ғоявий муҳит таъсирида юз берганлигини ҳисобга олган ҳолда, асосли ҳужжатларга таяниб, ушбу воқеа, ҳодисаларни ҳар томонлама чуқур ўрганиш ҳамда таҳлил қилишдан иборатдир.

Жумладан, Президентимиз Олий Мажлисга мурожаатномасида: «Ўтмишга берилган баҳо албатта холисона, энг муҳими, турли мафкуравий қарашлардан холи бўлиши зарур»², -деб кўрсатиб ўтди.

Яқин ўтмишимизда рўй берган улкан ижтимоий-сиёсий ҳаракат-жадидчилик ҳам янгидан, холисона ўрганилиши лозим бўлган тарихий жараёнлар жумласидандир.

¹ Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатининг биргаликда барпо этамиз.-Тошкент: Ўзбекистон, 2016.- Б.5.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси //Адолат, 2018 йил 29 декабрь.

Туркистон жадиdчилигининг йирик марказлари-Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива ва Фарғона бўлиб, буларнинг ҳар бири махсус тадқиқот объектидир.

Шулардан, Туркистон жадиdчилигининг ажралмас қисми бўлган Фарғона водийсидаги жадиdчилик ҳаракати тарихи мавзуси тарихчи олимларимиз томонидан жуда кам ўрганилган. Зеро, халқимизнинг мустақилликка эришиш учун олиб борган узоқ ва машаққатли курашлари тарихида фарғоналик тараққийпарварларнинг алоҳида ўз ўринлари бор.

Ўз даврида жадиdлар кўтарган муаммолар, бугунги кунимиз учун ҳам ҳамоҳангдир. Жумладан, улар ўлкани тараққиётга эришувини билимли ёшлар кўлида деб билганлар ва уларни ривожланган мамлакатларга таълим олиш учун юбориш, хорижий тилларни ўрганиш, замонавий илм-фан ва техникани эгаллаш каби масалаларни кўтарганлар.

Тараққийпарварлар тарихини ўрганишнинг яна бир муҳим томони шундаки, улар бундан 80-90 йиллар муқаддам юрт мустақиллиги масаласини олға сурган эдилар. Улар замонавий, дунёвий ривожланган давлатлар қаторига қўшилишнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маданий-маиший шартлари ҳақида фикр юритганлар ва бу борада амалий фаолият кўрсатганлар.

Жадиdчилик, хусусан, Фарғонадаги жадиdчилик ҳаракати тарихини ўрганиш бугунги кунда шунинг учун ҳам

долзарбки, бу ҳаракат вакиллари истиқлолимиз учун ўша даврдаёқ кураш бошлаганлар. Аввал бошда маърифат соҳасида фаолият кўрсатган жадидлар, аста-секин ижтимоий тараққиёт курашчилари сифатида майдонга чиқдилар.

Жадидчилик дастлаб маданий - маърифий оқим сифатида пайдо бўлганлиги табиийдир, албатта. Чунки, илғор мусулмон зиёлилари ижтимоий ва мустамлакачилик зулмининг асосий сабабларини замонавий илм-фан ютуқларидан беҳабарликдан ва маориф ишларидаги қолоқликдан изладилар. Шу сабабли, улар мавжуд ижтимоий муаммоларни ҳал этишнинг ягона йўли таълим ислоҳоти деб қарадилар ва маърифатпарварликка асосий эътибор бердилар. Янги усул мактаблари, кутубхоналар очдилар, дарслик, ўқув қўлланмалари ёздилар ва нашр эттирдилар.

Айни пайтда улар инсон ҳуқуқлари, миллий, диний, иқтисодий эркинликлар кафолатланган, ҳуқуқий-демократик миллий давлатчиликнинг назарий асосларини яратишга ҳаракат қилдилар.

Мавзунинг тарихшунослигини икки даврга ажратиш мақсадга мувофиқдир: 1) Совет даври (20-йиллардан 1991 йилгача); 2) Мустақиллик даври (1991 йилдан ҳозирги кунгача).

Фарғона водийсидаги жадидлар ҳақидаги дастлабки маълумотлар асримиз бошларида чоп этилган матбуот нашрлари саҳифаларида учрайди.

Мавзу тарихшунослигининг биринчи даврида коммунистик мафкура тазйқи оқибатида 20-йилларнинг охирларидан миллий-озодлик ҳаракатларига баҳо бериш бир ёқлама тус олди. Барча умумдемократик ўзгаришларга ва миллий тенг ҳуқуқлилиқка, иқтисодий ривожланишга фақат коммунистик партия раҳнамолигидагина эришилганлигини назарий жиҳатдан асослашга ҳаракат қилинди.

Тарихий воқеаларга баҳо беришда ягона мезон сифатида марксча-ленинча таълимотнинг қабул қилиниши, охиروқибатда тарихий воқеликнинг, сохталаштирилишига олиб келди.

Ҳукмрон коммунистик мафкура шароитида жади́дчиликни Туркистон халқлари тарихида тутган ўрни инобатга олинмади ва у нуфузли ижтимоий-сиёсий ҳаракат сифатида тадқиқ этилмади. Аксинча, уни тор доирадаги маълум синфлар, гуруҳлар манфаати учун хизмат қилувчи «миллатчилик» ғояси ва «реакцион» мафкура сифатида исботлашга уринилди.

80-йилларнинг иккинчи ярмидан эътиборан, собиқ совет жамиятида бошланган қайта қуриш, ошкоралик таъсирида жади́дчиликка баҳо беришда ҳам бир оз ўзгариш кўзга ташланди. Ўрта Осиё халқларининг XIX аср охири XX аср бошларидаги ижтимоий ҳаётида жади́дчиликнинг тутган ўрни ҳақида ижобий фикрлар билдирила бошланди ва бир қатор тадқиқотлар эълон қилинди. Яна кўплаб тадқиқотчиларимиз томонидан Туркистон Мухторияти

ғоясининг иждокорлари ҳам худди ана шу тараққийпарварлар бўлганлиги қайд этиб ўтилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мавзу тарихшунослигининг иккинчи давридагина, яъни Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейингина жадинчиликка объектив-холисона баҳо бериш имконияти пайдо бўлди. Бу ўринда тарихчи ва адабиётчи олимларимизнинг хизматлари беқиёсдир. Жадинчилик ҳаракати моҳиятини очиб беришда адабиётчи олимларимиздан У. Долимов, Ш. Ризаев, Ш.Турдиев, Б.Қосимов, С. Қосимов ва бошқаларнинг бир қатор мақола ва рисолалари муҳим ўрин тутди.

Жумладан, Б. Қосимов ўзининг Исмоилбек Гаспиралига бағишланган рисоласида жадинчиликнинг келиб чиқиш илдиэлари, «Усули савтия» мактабларининг таълим тизими, жадинчилик ҳаракатининг моҳиятини анча кенг ёритиб берган. Б.Қосимовнинг ушбу рисоласи жадинчиликни умумтуркий жараён ва мустамлакачиликка қарши қаратилган зиёлилар ҳаракати сифатида олиб қаралиши билан ҳам қадрлидир.

Ш. Ризаевнинг «Жадин драмаси» асари ҳам, алоҳида эътиборга молик бўлиб, ўрганилаётган давр муаммолари ечимини топиш учун аҳамиятлидир. Муаллиф ўз асарида жадин адабиёти, хусусан драматургиясининг пайдо бўлиш сабаблари, тарихий-ижтимоий шароит, эскилик ва янгилик ўртасидаги ғоявий курашлар, жадинларнинг маърифатпарварлик ҳаракати босқичлари, янги усул

мактабларининг очилиши, тараққийпарварлар асос солган газета ва журналлар, дастлабки пьесалар, жаид театрчилиги тарихи каби масалаларни ёритиб берган.

XIX аср охири XX аср бошлари Туркистондаги миллий-озодлик ҳаракатлари, хусусан, жаидчилик ҳаракати тарихини ёритиб беришда тарихчи олимларимизнинг салмоқли улуш қўшдилар. Бу ўринда Д.Алимова, С.Аъзамхўжаев, Р.Абдуллаев, Ҳ.Узоқов, С.Холбоев, Р.Шамсуддинов ва бошқаларнинг мақола ва рисоаларини келтириш ўринлидир.

Тарихчи олим С.С. Аъзамхўжаев ўзининг Туркистон Мухторияти тарихига бағишланган илмий тадқиқотларида жаидлар томонидан Андижон ва Қўқонда тузилган жамиятлар, Туркистон Мухториятини ташкил этишда иштирок этган фарғоналик жаидлар фаолияти ҳақида қисман тўхталиб ўтади³. Аъзамхўжаевнинг тадқиқотлари Фарғона водийсидаги маҳаллий зиёлилар томонидан тузилган ташкилотлар ҳақидаги янги ҳужжатларга бойлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Тараққийпарварлик ҳаракати тарихини ўрганишда хорижлик ватандошларимиз томонидан чет элларда чоп этилган асарлар, эсдаликлар, мақолалар ҳам катта ўрин тутди. Уларнинг баъзилари бугунги кунда юртимизда ҳам

³ Агзамходжаев С.С. Туркистон Мухторияти: Борьба за свободу и независимость (1917-1918гг.): Автореф. Дис...д-ра. ист. наук.-Т., 1996.-С.29.; ўша муаллиф: Туркистон Мухторияти.-Тошкент: Фан, 1996.-Б.21, 45.

чоп этилди⁴. Бу каби манбалар тарихий воқеийликни ёритишда сиёсий тайзиқларсиз, мафкуравийлаштиришдан холи ҳолда ёзилгани билан ҳам қадрлидир.

Хорижлик тадқиқотчи Шаҳобиддин Яссавий ўзининг «Туркистоннинг аччиқ ҳақиқатлари» номли китобида Фарғона жадиждларининг пешқадами Обиджон Маҳмудов ҳақида ижобий фикрларни билдириб, унинг раҳбарлиги остида чиқарилган «Садойи Фарғона» ва «Тирик сўз» газеталари ҳақида ҳам атрофлича маълумотлар беради⁵. Шунингдек, Аҳмад Заки Валидий (Тўғон) нинг эсдаликларида Фарғона жадиждларидан Ашурали Зоҳирий, Абдулҳамид Чўлпон ва бошқаларнинг ижтимоий-сиёсий фаолиятлари қисман ёритилган⁶.

Мавзу тарихшунослиги таҳлили шуни кўрсатадики, Туркистон жадиждчилигининг ажралмас қисми бўлган Фарғона тараққийпарварлик ҳаракатининг айрим жиҳатлари бир қатор тарихчи ва адабиётчиларнинг илмий мақола ва рисолаларида қисман ёритилган бўлсада, у алоҳида илмий тадқиқот объекти бўлмаган. Айниқса, Фарғона водийсидаги

⁴ Валидий (Тўғон) А.З. Хотиралар //Шарқ Юлдузи.-1993.-№7-8-9.-Б.164-178.; Мустафо Чўқай ўғли. Истиклол жаллодлари (1917 йил хотиралари).-Тошкент:Адабиёт ва санъат, 1992.-80 б.; Prof. Dr. Tohir Gagatay. Kizil imperualizm.III.-Ankara: Ayyildiz matbaasi,1967.-80p; Шаҳобиддин Яссавий Исмоил Шайх ўғли. Туркистоннинг аччиқ ҳақиқатлари.-Истамбул: 1984.-Б.173.(араб алифбосида).

⁵ Шаҳобиддин Яссавий Исмоил Шайх ўғли. Туркистоннинг аччиқ ҳақиқатлари.-Истамбул, 1984.-Б.144.

⁶ Аҳмад Заки Валидий (Тўғон). Хотиралар //Фан ва Турмуш.-1993.-№7-8-9.-Б.164,173.

жадидчиликнинг пайдо бўлиши, унинг ривожланиш босқичларини таҳлил қилиб берадиган биронта йирик илмий тадқиқот эълон қилинган эмас. Яна шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, бу соҳага кўпроқ адабиётчи олимлар ёндашганликлари сабабли, жадидларнинг фақатгина адабий ва маърифатпарварлик фаолиятларигина ёритилди. Шу сабабли, Фарғона тараққийпарварларининг ижтимоий-сиёсий фаолияти чуқур тадқиқ этилмаган.

Ваҳоланки, Фарғонада жадидчилик ҳаракати жуда кенг тус олиб, ривожланиб борган ва у миллий истиқлол учун курашнинг асосий негизларидан бўлган. Унинг Ашурали Зоҳирий, Абдулваҳҳоб Ибодий, Дадамирза Қори, Ҳусайн Мақаев, Лутфулла Олимий, Яҳё Қори, Аҳмадбекхожи Темирбеков, Миркомилбой Мирмўминбоев каби таниқли йирик намояндалари ижтимоий-сиёсий фаолияти миллий мустақиллик учун курашнинг ёрқин саҳифасидир.

Ушбу мавзуга оид асарлар таҳлили кам ўрганилган муаммоларни аниқлаб, уларни ёритишга янгича ёндашув лозимлигини кўрсатади. Бу ёндашув Фарғонадаги жадидчилик ҳаракатининг барча оқим ва ғоялари билан биргаликда таҳлил қилиш, унинг ривожланиш жараёнини ўрганиш билан белгиланади.

I Боб. Фарғона водийсида жади́дчиликнинг вужудга келиши ва шаклланиши

Туркистоннинг Россия империяси томонидан забт этилиши, ўлкани Россия империясининг аграр хом ашё етказиб берадиган мустамлакасига айлантирди. Янги капиталистик муносабатларнинг кириб келиши мустамлакачилик тузуми шароитида маҳаллий аҳоли учун фожеали хусусият касб этиб, ўлкада ижтимоий қарама қаршиликларни ниҳоятда кучайтириб юборди.

Қўқон хонлиги тугатилгач, ўрнида ташкил этилган Фарғона вилояти мустамлакачилик зулмининг ёрқин намунасига айланди. Маҳаллий халқ турмуш шароитининг ёмонлашиб бориши, миллий-диний қадриятларнинг оёқ ости қилиниши, чет эл сармоясининг ўлкага шиддат билан кириб келиши, ўлка бойликларининг босқинчилар томонидан шафқатсизларча таланиши илғор фикрли зиёлиларни бефарқ қолдирмади. Шу боис миллий ватанпарвар зиёлилар томонидан мустамлака асоратидан қутилиш ва тараққиёт учун курашнинг турли йўллари изланди. Ушбу ҳаракатлар натижасида водийда ҳам XIX аср охирларига келиб жади́дчилик ҳаракати келиб чиқди. Фарғонада XIX аср охирлари пайдо бўлган бу ҳаракат XX асрнинг 30-йиллари охирларигача маърифатпарварлик ҳаракатидан кенг кўламли ижтимоий-сиёсий ҳаракат даражасига кўтарилди. Ушбу вақт оралиғида бутун Туркистонда бўлгани каби, водийдаги

зиёлилар қатлами орасида ҳам турли гуруҳларга ажралиш жараёнлари тезлашди. Фикр ва қарашларнинг турлича бўлишига қарамай, ўлка зиёлиларини ягона Туркистон мустақиллиги ғояси бирлаштириб турар эди.

1.1. Жаидлар ҳаракатининг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий замини

1876 йил Қўқон хонлигидаги халқ ҳаракати шафқатсизларча бостирилгач, унинг барча ҳудудлари руслар томонидан босиб олинди. 1876 йилнинг 19 феврилида император Александр II нинг фармони билан Қўқон хонлиги тугатилади ва унинг ўрнида Фарғона вилояти ташкил этилди.

Фарғона вилояти иқтисодий ва меҳнат ресурслари жиҳатидан Туркистон генерал-губернаторлигидаги етакчи вилоят ҳисобланган. У беш уезд (Қўқон, Наманган, Скобелев, Андижон ва Ўш) дан ташкил топган бўлиб, унинг таркибида 91 волост ёки 613 қишлоқ жамоалари мавжуд эди⁷.

1898 йилги халқ кўзғолонининг шафқатсизларча бостирилиши, маҳаллий аҳолидан қаттиқ ўч олиниши кишиларни иродасини бука олмади. Аксинча, халқнинг мустамлакачиларга бўлган қаҳр-ғазабини ошишига сабаб бўлди, холос. Яна шу каби халқ ҳаракатларининг пайдо бўлишидан чўчиган подшо амалдорлари Фарғона водийси аҳолиси устидан назоратни кучайтирдилар.

⁷ Касымбеков К. Ф. Из истории народных движений в Фергане в конце XIX-начале XX века.-Ташкент: Фан, 1978.-С.10.

Мустамлакачилар учун Фарғона водийси пахта етказиб берувчи асосий база ҳамда ижтимоий, иқтисодий ва миллий зулм объектига айланди⁸. Бу зулмни амалга оширишда, ўлка бойликларини талашда темир йўллар муҳим восита бўлди.

Дастлабки темир йўл Фарғона водийсига 1899 йил кириб келди. 1911-1913 йилларда Қўқон-Наманган, 1916 йилда Наманган-Жалолобод темир йўллари қурилди. Натижада, водий метрополиянинг ошқора суръатдаги хом-ашё базасига ва тайёр маҳсулотлар сотиладиган бозорига айланди. Шундан сўнг, пахта экин майдонлари кенгайди ва у асосий экин турига айланди. Масалан, 1899 йил Наманган уездида пахта экиладиган ерлар 14 минг гектарни ташкил этган бўлса, 1911 йилда 45 минг гектарга етди. Вилоятда аҳолининг қашшоқлашуви кучайди, ерсиз деҳқонлар сони ортиб борди. Масалан, 1908 йилда Фарғона водийсида 18 фоиз оила экин майдонларига эга бўлмаган⁹.

Фарғона метрополия учун нафақат хом-ашё, балки, давлат ҳазинаси учун солиқ даромадларининг ҳам манбасига айланди. Фарғона водийсида йилдан-йилга солиқ зулми ортиб бораверди. Фақатгина 1900 йилда Фарғона аҳолиси давлат ҳазинасига ер солиғидан ташқари 4 581 620 руб. 70 коп. маблағ топширдилар. Худди шу йил вилоят аҳолиси 399 467 руб. 34 коп. миқдоридаги маҳсулот солиғини ҳам

⁸ Умаров А. И. Культурная жизнь Ферганской долины во второй половине XIX начале XX в.в.: Автореф. Дис. к. и. н.-Т., 1985.-С.13.

⁹ Абдуллаев О. Наманган вилояти (Табиати, аҳолиси, хўжалиги).- Наманган: Наманган вилояти ноширлик бўлими, 1995.-Б.48.

базарди. Бундай расмий солиқлардан ташқари, волост котиблари, оқсоқол ва бошқа амалдорларнинг таъминоти учун «жамоат тушуми» деб аталувчи солиқлар ҳам йиғиб олинар эди¹⁰. Натижада маҳаллий аҳолининг бўйнидаги қарзлари миқдори йил сайин ошиб борар эди. Масалан, пахтакорларнинг давлат ва хусусий банклардан 1912 йилдаги қарзлари 156 млн. 712 минг рублни ташкил этди. Шундан 80 млн. 979 минг рубл пул Фарғона вилояти пахтакорлари зиммасига тушган эди¹¹. Бу ҳолат пахтакор деҳқонларнинг хонавайрон бўлишига олиб келди.

Меҳнатга ҳақ тўлаш борасида ҳам кескин ижтимоий адолатсизлик ҳукмронлик қилар эди. Бир хил малака ва тажрибага эга бўлган ўзбек ишчисининг маоши рус ишчисининг маошига нисбатан 40-50 фоизга кам бўлар эди. Масалан, савдогар Ф.И. Полинскийнинг пахта тозалаш заводида рус ишчиси 70 рубл маош олган бир пайтда, ўзбек ишчиси 11 рубл, ўспирин эса 6 рубл ҳақ олар эди. Вадьяевлар заводида эса 1912 йил рус ишчиси бир кунига 2 руб. 80 коп. ҳақ олган бўлса, ўзбек ишчиси 70 копеекдан 1 рублгача олар эди¹².

¹⁰ Касымбеков К. Ф. Из истории народных движений в Фергане в конце XIX-начале XX века.-Ташкент: Фан, 1978.-С.16-17

¹¹ Зиёев Ҳ. Туркистонда Россия тажоввузи ва ҳукмронлигига қарши кураш.-Тошкент: Шарқ, 1998.-Б. 400-401.

¹² История Коканда (С момента присоединения Средней Азии к России до настоящего времени).-Ташкент: Фан, 1984.-С. 35.

XX аср бошларига келиб жаҳон миқёсида содир бўлаётган инқилобий ўзгаришлардан хавфсираган мустамлакачилар ўлка халқлари устидан сиёсий назоратни янада кучайтирдилар. Бунинг сабаби, Россия мусулмонлари орасида пировард мақсади миллий мустақиллик бўлган жадиличлик ҳаракатининг кенг ёйилиши, Туркия, Эрон инқилоблари, илғор йўналишдаги нашр ва адабиётларнинг бу ерларга кириб келиши натижасида XX аср бошларига келиб маҳаллий аҳоли, хусусан зиёлиларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигининг бирмунча ошиши эди. Архив ҳужжатларининг гувоҳлик беришича, 1908 йилнинг бошларида Марказий Осиёда бўлган француз майори Лякоста Туркистонда ўз миллий дастурига эга бўлган ёш сартлар партияси борлиги ҳақида маълумотлар беради. Майор Лякоста, француз мустамлакалар вазирлиги томонидан ушбу ҳудудларни ўрганиш учун махсус вазифа билан юборилган эди. Бу ҳақидаги маълумотлар француз матбуотида эълон қилинган, Туркистондаги подшо амалдорлари ҳам ёш сартлар масаласидан ташвишга тушиб қоладилар.

Ҳарбий-губернатор вилоятда европа типигаги миллий мактабларнинг пайдо бўлганлиги ҳақида ҳам ахборот беради ва сиёсий тафтиш ишларини нафақат Европа аҳолиси учун, балки ерли миллат вакиллари учун ҳам ташкил этиш зарурлигини тавсия қилади.

Маҳаллий ва подшо амалдорларининг ўтказган зулмлари, иқтисодий оғир аҳвол, ижтимоий адолатсизликлар оқибатида

Фарғона водийси деҳқонларининг бир неча бор тарқоқ ҳолдаги кўтарилишлари бўлиб турди. Агар 1899 йилда биргина Қўқон уездида шундай «тартибсизликлар» 9 марта содир этилган бўлса, 1900 йилга келиб, уларнинг сони 20 тага, 1904 йилда 33 тага, 1905 йилда 55 тага, 1906 йил 63 тага ва 1907 йилда эса 67 тага етди¹³.

Юқорида кўрсатиб ўтилган сабаблар вилоятда жиноятчиликнинг ўсишига ҳам олиб келди. Туркистон ўлкаси истило этилгач, халқнинг асрлар бўйи эъзозлаган ахлоқий-маънавий қадриятлари оёқ ости қилинди, шариат меъёрлари бузилди. Оқибатда майда жиноятлар-ўғрилиқ, ароқхўрлик, товламачиликлар сони ортиб борди. Масалан, Фарғона вилояти бўйича 1906 йил 125 та жиноят содир этилган бўлса, 1907 йилда уларнинг сони 131 тага, 1908 йил 174 тага, 1909 йилда эса 254 тага етди¹⁴.

Аҳоли турмуш даражасининг тушиб бориши, шариат меъёрларининг бузилиши, миллий ва диний қадриятларнинг оёқ ости қилиниши, жиноятлар сонининг ортиб бориши, маҳаллий аҳолининг мавжуд тузумга нисбатан нафратини янада оширар эди. Шу боис турли ижтимоий табақалар мустамлака зулмидан халос бўлишнинг ҳар хил йўлларини излардилар.

¹³История Коканда (С момента присоединения Средней Азии к России до настоящего времени).-Ташкент: Фан, 1984.-С.6.

¹⁴ Ўз МДА, 19-И фонд, 1- рўйхат, 9699-иш, В.13.

Биринчи жаҳон урушида Россиянинг иштироки ва урушдаги мағлубиятлар, нафақат империянинг марказий ҳудудларида, балки чекка мустамлакалар, хусусан, Туркистонда ҳам халқ оммаси норозилигининг кучайиши, ижтимоий-сиёсий фаоллигининг ортишига сабаб бўлди. Бундан хавфсираган мустамлакачилар аҳолининг тобе ҳолатда тутиб туришнинг турли йўллари излай бошладилар. Маҳаллий аҳолида ҳукуматга, подшоҳ ва унинг оила аъзоларига садоқат руҳини камол топтириш учун чор амалдорлари барча масжидларда подшоҳ ва унинг оила аъзолари номига хутба ўқишлигини ташкиллаштирдилар.

Туркистон генерал-губернаторлиги маҳкамаси томонидан Фарғона вилояти ҳарбий губернатори номига 1915 йил 19 февралда юборилган хатда айтилишича, биргина Фарғона вилояти учун император номига ўқиладиган хутбанинг маҳаллий тилда битилган 1400 нусхадан иборат матни юборилган¹⁵. Шунингдек, ушбу хутбани вилоятнинг барча масжидларида мажбурий тарзда ўқишлиги буюрилган. Бу эса Ислом асосларига мутлақо зид бўлиб, маҳаллий аҳолининг диний эътиқодларини оёқ-ости қилинишидан далолат берар эди.

Юқоридаги воқеадан шундай хулоса олиш мумкинки, бу даврга келиб ерли аҳолининг сиёсий фаоллиги ошган. Аҳолининг зиёли қатламлари қарашларида нафақат

¹⁵ Ўз МДА, 19-И фонд, 1- рўйхат, 9832-иш, В.3.

жадидлар, балки уламолар орасида ҳам мустамлака тузумига нафрат, чириб бораётган империя ҳокимиятининг яқин кунлардаги инқирозига ишонч ўз аксини топган эди.

1916 йил 25 июндаги Подшо Николай II нинг фронт ортидаги ишлар учун ерли аҳолидан мардикорликка олиш ҳақидаги фармони бутун Туркистондаги каби Фарғона вилоятида ҳам маҳаллий аҳолининг кескин норозилигини келтириб чиқарди. Бу норозиликлар оммавий ғалаёнлар, кичик амалдорларнинг уйларига ўт қўйиш ва ўлдиришларда ўз ифодасини топди. Подшо фармонига мувофиқ, Туркистон генерал-губернатори 1916 йил 23 августда буйруқ чиқарди. Бунга кўра, фақат Фарғона областининг ўзидангина 51 233 киши мардикорликка сафарбар қилиниши лозим эди¹⁶.

Биринчи жаҳон урушининг салбий таъсири Туркистон халқлари бошига кўплаб азоб-уқубатларни солди. Пахта яккаҳоқимлигини зўр бериб кучайтириш, пахта экин майдонларининг кенгайтирилиши оқибатида ўлкада ғалла етиштириш ва чорвачилик орқага қараб кетди.

Бутун ўлкада бўлгани каби Фарғона водийсида ҳам дон тақчиллиги юзага келди. 1916 йили Фарғона вилоятининг одатда оладиган ғалласи 12-14 пудга камайди. Нарх-наво кескин ошди. Илгари 50 сўм турадиган отнинг нархи 80-85 сўмга чиқди. Ғалла ва ноннинг нархи ҳам ошиб кетди¹⁷.

¹⁶ Ёқубов Б. Фарғона водийсида Совет ҳокимиятини ўрнатиш учун кураш.-Тошкент: Қизил Ўзбекистон, 1954.- Б.10.

¹⁷ Зиёев Ҳ. Туркистонда Россия тажоввузи ва ҳукмронлигига қарши кураш.-Тошкент: Шарқ, 1998.-Б.402.

Подшо ҳукумати аҳоли фаоллигининг ошиб бораётганлигидан чўчиб, Туркистон халқларини жаҳон тараққиётидан узиб қўйиш мақсадида мусулмон давлатларидан ўлкага кириб келаётган илғор нашрларни таъқиқлаш чораларини кўрди. Шундай бўлишига қарамай, бирмунча тараққиётга эришган мусулмон мамлакатларидаги инқилобий воқеалар тафсилотларига бағишланган адабиётларнинг бу ерга кириб келиши тўхтамади. Бундай адабиётларнинг ўлкага кириб келиши аҳоли турли табақаларининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошиши ва миллий озодлик ғояларининг шаклланишига ўзининг сезиларли таъсирини кўрсатди.

Вилоятда миллий матбуот юзага келгунга қадар Боғчасаройда чиқувчи «Таржумон», Қозондан чиқадиган «Вақт», «Юлдуз» ва бошқа газета ва журналлар Фарғона жадиidlари фаолиятида ўзининг сезиларли таъсирига эга эди. Ушбу нашрлар орқали тараққийпарварлар дунё халқларининг миллий уйғониш ғоялари билан танишиб борганлар. Масалан, Фарғонанинг пешқадам тараққийпарварларидан Исҳоқхон Ибрат ҳам 1883-1885 йилларда Қўқоннинг Тунқатор мадрасасида таълим олиб юрган пайтларида «Таржумон» газетаси билан мунтазам равишда танишиб борган. Адабиётчи олим У. Долимовнинг берган маълумотларига кўра, Ибрат томонидан ташкил этилган

«Исҳоқия» кутубхонасида «Таржумон» газетасининг хатто 1884 йилги боғламлари ҳам бўлган¹⁸.

Хулоса қилиб айтганда, ўлкадаги ижтимоий адолатсизлик, ерлиларни жаҳолат ботқоғида, қашшоқликда қолдиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган чоризмнинг мустамлакачилик сиёсати маҳаллий халқ илғор фикрли зиёлиларининг табиий равишда норозилигини келтириб чиқарар эди. Фарғона Россиянинг бевосита мустамлакаси бўлганлиги боис марказий ҳудудлардаги сиёсий ўзгаришлар бу ерларга ҳам сезиларли таъсирини ўтказар эди.

1.2. Жадинчиликнинг майдонга келиш ва ривожланиш босқичлари

Фарғона водийсидаги жадинчилик ҳаракати ўзининг чуқур маҳаллий илдизларига эга. Туркистон халқларининг ижтимоий-сиёсий ҳаётда жаҳон халқларидан ортда қолаётганлигини XIX асрнинг иккинчи ярмида яшаб ўтган илғор фикрли зиёлилар ўз вақтида англаб етган эдилар. Улар бу қоқоқлик исқанжасидан қутилишнинг ягона йўли деб илм-маърифатни танладилар. Ушбу даврда ижод этган шоир Зокиржон Фурқат илм-фаннинг тараққиёт учун нечоғлик аҳамиятли эканлигини англаган ҳолда қуйидаги байтни битган эди:

Керак ҳар илмдан бўлмоқ хабардор,
Бўлур ҳар қайси ўз вақтида даркор.

¹⁸ Долимов Улуғбек. Исҳоқхон Ибрат.-Тошкент: Шарқ, 1994.-Б.11.

Шунингдек, илғор маърифатпарвар Сатторхон Абдуғаффоров ҳам ўзининг бу соҳадаги фикрларини «Туркистон вилоятининг газити» да қуйидагича ифодалаган эди: «...Бизлар, таворих китобларидин кўрамизким, ҳар бир халқ ўзларига яқин ҳамсояларининг ҳар навъ илмларини ҳар вақт ўрганиб ва ҳам ўзларига яқин мамлакат халқига ўргатиб келганлар...бизларга уят ва айбдурким, бизларнинг бурунғи олимларимиз илм бобида баланд даражада туруб, ҳатто бошқаларға таълим бериб тургон бўлсалар, бизлар хама халқдин ул бобда пастлик мақомида қолсоқ»¹⁹.

Илм тараққиётнинг негизи эканлигини англаб етган илғор зиёлилар аввало қолоқликдан қутилишнинг асосий шарти деб, маърифатни танладилар. Шу мақсад йўлида XIX асрнинг сўнгги чорагида Водийда дастлабки янги усул мактаблари очилди.

Фарғона ўқув юртлари инспекторининг Туркистон ўқув юртлари бош инспекторига 1909 йил 6 декабрда йўллаган янги усул мактаби ҳақидаги маълумотномасида кўрсатилишича, Водийдаги дастлабки янги усул мактаби Қўқон уездида Аҳмаджон Қори томонидан 1892 йилда очилган²⁰.

Фарғонадаги жаидчилик ҳаракатининг атоқли намояндаларидан Исҳоқхон Ибрат ҳам Қўқонда мадрасани тамомлагач, 1886 йилда Тўрақўрғонда мактаб очади лекин у

¹⁹ Туркистон вилоятининг газити.-1883.-15 фев.

²⁰ ЎЗР МДА, И-47 фонд, I-рўйхат, 1004-иш, 95-варақнинг орқа томони.

тез орада ёпилади²¹. Шундан сўнг Ибрат 1887 йилдан 1895 йилгача Осиё ва Европанинг кўплаб мамлакатларида бўлади. Ўндан ортиқ чет тилларини ўрганади, Ғарб илм-фани ва техникаси ютуқлари билан танишади²². Сафардан қайтгач эса ўз юрти тараққиёти учун изчил амалиётга киришиб, жадидчилик ҳаракатининг фаолларидан бирига айланади.

Тараққийпарварлар омма орасида маърифатни кенг ёйиш, миллатнинг сиёсий онгини юксалтириш борасида оммавий нашрлар, босмахоналар очдилар, театр томошолари ташкил этдилар. Бу борада Мунаввар Қори Абдурашидхон ўғли, Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдулла Авлоний, Садриддин Айний, Файзулла Хўжаев, Тошпўлатбек Норбўтабеков, Абдурауф Фитрат ва бошқаларнинг хизматлари беқиёс бўлди²³.

XX аср бошларида бутун Русия империясида талабалар ҳаракати кенг ёйилгани каби, мусулмон мадрасаларида ҳам талабаларнинг сиёсий фаоллиги бир мунча ортган эди. 1908 йилга келиб эса, Қўқон шаҳрининг бир гуруҳ илғор фикрли мадраса талабалари томонидан «Шамсинур» жамияти тузилади²⁴.

²¹ Носиров О. Маъмуров М. Ўзбек адабиётчининг муҳим саналари. - Наманган: Нам ДУ, 1993. -Б. 124.

²² Воҳидова К. Исҳоқхон Ибрат //Фан ва Турмуш.- 1995.-№4. -Б.26.

²³ Алимова Д. Жадидчилик мустамлака даври тарихчиси талқинида. Ўзбекистон тарихи: янги нигоҳ. Жадидлар ҳаракатидан миллий мустақилликка қадар.-Тошкент: Эльдинур, 1998.-Б.4.

²⁴ Бобохонов А. Ҳамза Ҳақимзоданинг педагогик ғоялари.-Тошкент: Қизил Ўзбекистон, 1960.-Б.13.

Жамият аъзолари халқ оммасини илмли, маърифатли қилишни, мадрасаларда аниқ Фанлар ўқитилишини жорий қилинишини биринчи галдаги вазифалардан деб билдилар.

Жамият йиғилишларида ўлкадаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий масалалар ҳам муҳокама қилинган.

«Шамсинур» жамияти фаолиятида жадинларнинг сезиларли таъсири бўлган. Фарғонанинг атоқли жадинларидан Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ҳам ўз сиёсий фаолиятини илк бор шу жамиятдан бошлаган²⁵.

Туркистоннинг уйғониши подшо ҳукуматини, расмий доираларни бефарқ қолдирмади. Вилоятда тузилган ҳар қандай жамият ва ташкилотлар мустабид ҳукумат маъмурияти томонидан қўйилган айғоқчиларнинг кузатуви остида бўлган.

1912 йил 20-июлда Қўқон шаҳрида «Қўқон артистлар тўғараги» ташкил этилган бўлиб, Ҳамза унинг асосчиларидан бири эди. Тўғаракнинг мақсади драматик асарларни ўрганиш ва уларни сахналаштириш ҳамда санъат хаваскорларини унга жалб этишдан иборат эди. Бу даврда Ҳамзанинг фаолияти, асосан, янги ўзбек драматик театрини вужудга келтиришдан иборат бўлган. 1914-1916 йиллар мобайнида у 18 дан ортиқ адабий-публицистик асарлар яратди.

Биринчи жаҳон уруши йилларида ўлка зиёлилари ижтимоий-сиёсий ҳаётга фаол аралаша бошладилар. Худди

²⁵ Бабаханов А. А. Общественно-педагогическая и литературная деятельность Хамзы.-Тошкент: Ўқитувчи, 1979.-С. 26.

шу даврда Туркистонда ҳам миллий нашрлар ва жамиятлар сони ортиб бориб, жаидлар томонидан қолоқликдан қутулиш ва миллий тараққиёт сари дадил қадамлар ташлана бошлади.

1916 йил Қўқон шаҳрида тараққийпарварлар томонидан «Ғайрат» жамияти тузилади. Бу жамиятнинг ўз олдига қўйган мақсадлари, биринчидан, янги усул мактабларини дарслик, дафтар ва ўқув қуроллари билан таъминлаш бўлса, иккинчидан, ерли халқ орасида китоб, газета ва журналларни маҳаллий тилда чоп этиб, тарқатишдан иборат бўлган. Қўқоннинг эски шаҳар қисмида жойлашган жамиятга қарашли дўконда, ўша давр маҳаллий аҳоли орасида машҳур бўлган Оренбургда чоп этиладиган татар тилидаги «Вақт», Москвадан чиқувчи татарча «Сўз» газетаси, Боқудан чиқадиган «Очиқ сўз» газеталарининг савдоси қизғин бўлган. Бундан ташқари жамият томонидан рус тилидаги газеталардан Андижонда нашр этиладиган «Туркестанский Голос» газетаси ҳам тарқатилган.

Мустамлакачилар томонидан Тошкентда чоп этиладиган жаидларнинг «Садойи Туркистон» газетаси ёпиб қўйилгач, таниқли жаид Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев Тошкентдан Андижонга келган эди. Унинг Андижонга келиши ҳам ҳукмрон мустабид ҳукуматнинг миллий тараққийпарварларга қарши олиб борган таъқиб ва тазйиқлар ўтказиш сиёсатининг натижасидир. Миллий матбуотимизнинг қалдирғочлари «Тараққий», «Хуршид», «Шухрат» ва бошқа газеталарнинг

ҳеч қанча сони чиқмасдан ёпиб қўйилиши, чор маъмурларининг ўлка халқларини ҳар жихатдан асоратда сақлашга интилиб олиб борган сиёсатининг бир кўриниши эди. Худди шундай аянчли қисмат «Садойи Туркистон» газетаси бошига ҳам тушди. Шундан сўнг муҳаррир Убайдуллаҳўжа Асадуллаҳўжаев газетани Андижонда чиқаришга ҳаракат қилди. Бироқ Фарғона вилояти ҳарбий губернатори Асадуллаҳўжаевнинг газета чиқаришига рухсат бермайди²⁶.

1916 йилга келиб жадинлар томонидан Андижон шаҳрида «Тараққийпарвар» жамияти тузилди. Бу даврда ўлка жадинларининг сиёсий фаоллиги анча ошган бўлиб, улар ўз йиғилишларида, газета ва журналлардаги мақолаларида маърифий мавзулар билан бирга ижтимоий, иқтисодий масалаларни ҳам кўтариб чиқа бошлаганлар. Андижондаги бу жамият таниқли жадин Убайдуллаҳўжа Асадуллаҳўжаев раҳбарлигида тузилган бўлиб, бу ҳақда чор айғоқчилари ҳам тез орада хабар топадилар.

Андижонда илғор фикрли ёшлар жамиятининг пайдо бўлиши, уларнинг ўлка ижтимоий-сиёсий ҳаётига фаол аралашиб бориши, мустамлака ҳукумат айғоқчиларининг эътиборини ўзига тортган. Ҳукумат махфий полицияси (охранка) томонидан 1916 йил 14 октябрда «Тараққийпарвар» жамияти ҳақида Фарғона вилояти ҳарбий

²⁶ Тожибоев Р. Мустамлакачилар ва миллий матбуотимиз //Жамият ва бошқарув.-1997.-Б. 61.

губернатори, Туркистон генерал-губернатори, полиция департаменти директори ва Андижон уезди бошлиғига ахборотномалар юборилган. Тараққийпарварлар халқ орасида ташвиқот-тарғибот ишларини яхши йўлга қўйганлар. Улар уезд маъмурларининг порахўрлигини, товламачилигини омма орасида ошкор этганлари учун ҳам мустамлакачи маъмурият улардан қутилиш чораларини излай бошлаганлар. Хусусан, Андижон уезд бошлиғи Бржезицкийнинг 1916 йил 17 октябрда Туркистон район муҳофаза бўлими бошлиғи номига юборган маълумот хатини фикримизни тасдиғи сифатида келтириш мумкин: «...Ҳозирда юқорида кўрсатилган Чайкин ва Хўжаев гуруҳи ўлкадан чиқариб юборилмас ва уларнинг «Туркестанский Голос» газетаси ёпилмас экан, уларнинг (тараққийпарварларнинг-Т.Қ.) зарарли фаолияти билан курашимиз кучсизлигича қолаверади...»²⁷.

Халқ орасида ўз нуфузига эга бўлган маҳаллий бойлардан Аҳмадбекхожи Темирбеков, Пошшахўжа Умархўжаев, уезд судяси таржимони Ўразалиев Акбарали Бойтурсунович ва бошқалар ушбу жамият аъзолари эдилар²⁸.

Юқоридаги хужжатдан «Тараққийпарварлар»нинг омма орасидаги мавқеини тобора ортиб бориши мустабид ҳукуматни ниҳоятда ташвишга солгани, уларни ғазабини қўзғаб, кескин чоралар кўришга ундагани намоён бўлади.

²⁷ Ўз МДА. 461-И фонд, 1-руйхат, 1116^а-иш, В. 3.

²⁸ Ўз МДА. 461-И фонд, 1-руйхат, 1116^а-иш, В. 3.

1916 йил 25 июндаги Подшо Николай II нинг фронт ортидаги ишлар учун маҳаллий аҳолидан мардикорликка олиш ҳақидаги фармони Андижонда ҳам халқнинг кескин норозилигига сабаб бўлган эди. 1916 йил июл ойида Андижон жамоатчилиги номидан Петербургга У. Асадуллаҳўжаев, Миркомил Мирмўминбоев, эсер В. Чайкин бориб, Туркистонда рўй бераётган воқеаларни изоҳлаб, Давлат Думаси аъзоларидан Андижонга келишларини муҳим масала сифатида ўртага қўядилар. Шу вақтда Фарбий фронт қўмондони А.Н.Куропаткин Тошкентга Туркистон генерал-губернатори қилиб жўнатилади. У билан бирга IV Давлат думаси аъзолари А.Ф.Керенский ва К.Б.Тевкелеевлар ҳам бирга келишади. Ушбу Давлат Думасининг аъзолари 24 август куни Андижонга келишади ва жомъе масжидида маҳаллий аҳолидан июл воқеалари ҳақида, уларнинг арз - шикоятлари хусусида сўровлар уюштирадилар. Депутатларни таниқли жадинлар Асадуллаҳўжаев, Мустафо Чўқаев ва бошқалар кузатиб борганлар²⁹.

«Таракқийпарвар» ва «Ғайрат» жамиятлари водийдаги бошқа жадин ташкилотларига нисбатан мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётига фаол аралашган, омма орасида ўз обрўси ва сезиларли таъсирига эга бўлган ташкилот эди.

²⁹ Содиқов Ҳ. Туркистон уч инқилоб даврида //Фан ва Турмуш.-1990.- №3.-Б.15.

Тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб, Фарғона водийсидаги жади́дчилик ҳаракатининг ривожланиш жараёнини қуйидаги 3 та босқичга бўлиш мумкин:

1) XIX аср охирларидан 1908 йилгача бўлган **Маърифатчилик босқичи**. Бу даврда водийда дастлабки янги усул мактаблари; Тўрақўрғонда Исҳоқхон Ибрат, Қўқонда Мулла Шоазим домла, Салоҳиддин домла, Абдулваҳҳоб Ибодий, Андижонда Шамсиддин домла, Азим Қодиров ва бошқалар томонидан очилди. «Таржумон» ва бошқа газета-журналлар водий зиёлилари орасида кенг ёйилди. Наманганда Исҳоқхон Ибрат томонидан «Матбааи Исҳоқия» босмахонаси очилди.

2) 1908 йиллардан 1917 йилгача **маърифатпарварликнинг кенгайиши ва сиёсий фаоллашувнинг ўсиш босқичи**. Қўқонда «Шамсинур» жамияти(1908), «Артистлар тўгараги»нинг (1912) тузилиши, жади́д мактаблари сонининг ортиб бориши ва уларнинг подшо маъмурлари томонидан қаттиқ назорат ва таъқиб остига олиниши. Фарғона жади́длари миллий даврий матбуотининг кенг кўламда ривожланиши, янги усул мактаблари учун жади́длар томонидан ўқув дарсликларининг ёзилиши ва чоп этилиши. Биринчи жаҳон урушида Россиянинг иштироки ва фронтдаги мағлубиятлар натижасида миллий ўлкаларда мустанлак зулмининг янада авж олишига жавобан миллий - озодлик ғояларининг ривожланиш, юксалиш даврининг бошланиши. Андижонда

«Тараққийпарвар» жамиятининг, Қўқонда «Ғайрат» жамияти ва кутубхонасининг очилиши, Фарғона жадиждларининг водийдаги бошқа демократик ҳаракатлар билан ҳамкорликда фаолият юритишлари, жадиждларнинг ўз миллий газеталарига эга бўлишлари, Қўқонда «Садойи Фарғона» ва «Ферганское Эхо» газеталарининг чоп этилиши, матбаа ишларининг йўлга қўйилиши, илм-фан, адабиёт, маданият-маорифни миллийлаштириш учун курашнинг кучайиши.

3) 1917 йил февралдан 1918 йил мартгача Фарғона жадиждларининг **Туркистон Мухторияти учун кураш босқичи.** 1917 йил феврал инқилобидан кейин «Тирик сўз», «Кенгаш», «Юрт», «Хуррият», «Равнақул Ислом» каби янги журналларнинг нашр этилиши, «Шўрои Исломия» нинг фаолиятида фарғоналик тараққийпарварларнинг фаол иштироки. Қўқонда ўлка мусулмонларининг фавқулодда IV съездининг чақирилиши ва Туркистон Мухториятининг тузилиши. Туркистон Мухториятида Фарғона жадиждларининг иштироки.

1.3. Жаид ва қадимчиларнинг жамият ислоҳига қарашлари

Асримиз бошларида Туркистон зиёлиларининг жамият ислоҳига оид қарашларини таҳлил қилишдан аввал, мустамлакачиларнинг ислом динига бўлган муносабатларини ва совет тарихшунослигида уламоларга берилган баҳони ёритиб бериш мақсадга мувофиқдир.

Туркистон Россия империясининг мустамлакасига айлан-тирилгач, маҳаллий халқнинг миллий ва диний қадриятлари оёқ ости қилинди. Мустамлакачилар ислом дини заминида вужудга келган одоб-ахлоқ меъёрлари, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тизимини издан чиқаришни ҳам ўз олдиларига мақсад қилиб қўйган эдилар. Ушбу маккорона сиёсат ҳақида М. Беҳбудий шундай дейди: «Миссионерлар тарафидан ва ёйинки бизни йўқ ва нобуд бўлишимизни ва шариати муқаддасамизни ҳукмдан қолишини хоҳлатадурғон эски ва мустабид ҳукумат одамлари тарафидан шундай законлар чиқарди». Беҳбудийнинг ёзишича, Туркистон генерал-губернаторлигида ўрнатилган тартиб қоидага мувофиқ, илм ва истеъдодидан қатъий назар, 25 ёшга етган туркистонлик фуқоро волост бошқарувчиси ёки қози бўлиши мумкин эди. Бу тартиб етарли илмга эга бўлмаган кишиларнинг қози, мударрис, имом бўлиб қолишлари учун замин бўлиб хизмат қилди. Холбуки, хонлар замонасида диний лавозимларга шайхулисломнинг ва бошқа уламоларнинг иштирокидаги имтиҳондан сўнггина кишилар тайин қилинар эдилар. «...Бу қилган тадбирлари ўзлари учун энг яхши ва биз мусулмонлар учун энг жонсиз ва ҳароб қилғувчи натижалар берди...»³⁰.

Динсизлик шиор қилиб олинган социалистик жамиятда ҳар қандай диний уламо жоҳил, диндорлар эса жамият тараққиётини орқага тортувчи қора кучлар сифатида талқин

³⁰ Беҳбудий М. Бизга ислоҳат керак //Нажот.-1917.-17 апр.

этилди. Аслида эса, миллий-озодлик кураши тарихида Туркистон уламолариниг ҳам ўз ўринлари бор. Ўлкамиздаги жаид-қадим муносабатлари ёритилган адабиётларнинг деярли барчасида уламоларга нисбатан салбий фикрлар билдирилган. Жаид драматургияси масалалари юзасидан тадқиқот олиб борган олим Ш. Ризаевнинг фикрича: «...Ваҳоланки, жаид тараққийпарварлари қарашларини аниқ тасаввур этиб, ижобий баҳолаганимиз ҳолда, «қадимчи»ларни тараққиётга тўсқинлик қилган қора гуруҳлар сифатида уч-тўрт жумла ва бир-икки жисмоний таҳдидларга оид далиллар билан «таърифлаб» ўтилган. Зеро, «қадимчи» лар биринчи навбатда консерватив нуқтаи назарни пухта назарий асосга суяниб илгари сурган мафкуравий муҳолифлар эди...»³¹.

Масалага яқиндан ёндашиб қаралса, жаидларнинг ислохотчилик ғоялари анчагина кенг ўрганилди. Бирок, қадимчилар тўғрисида хали ҳам фақат салбий фикрларни ўқиш мумкин ҳолос. Ваҳоланки, XX аср бошларидаги Туркистон қадимчилари тарихига оид бирон-бир тадқиқот эълон қилингани йўқ.

Совет тарихшунослигида Россия империяси мусулмонлари ижтимоий-сиёсий ҳаракатларидаги ислом билан боғлиқ бўлган ҳар қандай кўринишга «қолоқлик» ва диний мутаассиблик белгиси деб баҳо беришга ҳаракат

³¹ Шухрат Ризо. Маърифатпарварликдан маърифатчиликгача //Тафаккур.-1995.-№1.-Б.79.

қилинди. Агар «жадидчилик» «маҳаллий буржуазиянинг миллатчилик, пантуркистик ғояларини ўзида мужассамлаштирган мафкураси» сифатида қораланса, «қадимчилик» жаҳолат ва диний мутаассибликни, феодализмнинг оғир асоратларини ўзида ифода этган оқим сифатида баҳоланди. Бу борада хорижлик тадқиқотчи Стефан А.Дюдуаньон³²: «Қолаверса, бугунги кунда ҳам аксарият муаллифлар томонидан Россия ва Ўрта Осиё исломий фикрлари тарихидаги ҳар қандай «диний» нуқтаи назарга «қадим» тамғасини ёпиштирмоқдалар», -деган эди.

Бироқ қадимчиликнинг моҳияти ҳақидаги масала тадқиқотларда амалий тарзда ўртага қўйилмади. Ваҳоланки, қадимчилар шариат меъёрларини халқ турмуш тарзида қатъий равишда сақлаб қолишни-рус маъмуриятининг шовинистик сиёсати ва православ миссионерлик ҳаракатига қарши муҳим тўсиқ деб билардилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш мумкинки, шариатни миллий-анъанавий қадриятларни сақловчи восита деб билиш ҳақидаги фикр фақатгина «қадимчи»лар орасида мавжуд бўлган ғоя бўлмай, балки бундай фикр-ғояларни баъзи жадид намояндаларининг қарашларида ҳам кўриш мумкин. Шунингдек, айрим жадидлар ҳам айна пайтда, ўз

³² Стефан А. Дюдуаньон. Кадымизм: элементы социологии мусульманского традиционализма в татарском мире и в Мавераннахре (конец XVIII-нач XX. вв.). Ислам в татарском мире: история и современность.-Казань: Институт истории АН Татаристана, 1997.- С.57.

фаолиятларини шариатдан четга чиққан ҳолда тасаввур этган эмаслар.

Бизга маълумки, маиший турмушни, миллий урф-одатларни ислоҳ қилиш борасида жадинлар талайгина ишларни амалга оширдилар. Маросимлардаги дабдабозлик ва исрофгарчиликларни кескин танқид қилдилар. Ҳатто «Шўрои Исломия» 1917 йил бу хусусида махсус қарорнома ҳам чиқарди³³. Манбаларнинг кўрсатишича, Туркистоннинг тараққийпарвар уламолари ҳам ислоҳотчиликнинг бу йўналишида жадинлар билан ҳамфикр бўлганлар.

Қўқоннинг машҳур уламоларидан Камолиддин қозининг бу хусусдаги қарашлари эътиборга лойиқдир. 1914 йил 6 майда Қўқон савдогарларидан Тождинбой хонадонида ташкил этилган янги усул мактабида имтиҳон-мажлиси бўлиб, унга Камолиддин қози ҳам таклиф этилади. Шу даврдаги тўй ва маросимларнинг дабдабозлигига тақлидан имтиҳон мажлисларига ҳам катта сарф-ҳаражатлар қилиш одат тусига кирмоқда эди. Бунга Камолиддин қози ўз эътирозини ва усули жадидага ўз муносабатини билдирган: «Мин баъд имтиҳон мажлисларини имкони борича содалашдирулсун, ҳеч кимга тўн ва бошқа нарса берилмасун. Агар бул тўғрига ёки усули жадинга эътироз этгувчи бўлса, шариатга мувофиқ жазосини берурман...»³⁴. Қози мажлис иштирокчиларига усули жадин ҳақида ҳам ваъз

³³ Шўрои Исломиянинг қарорномаси //Нажот.-1917.-10 апр.

³⁴ Имтиҳонларни содалашдурмоқ //Садойи Фарғона.-1914.-9 май.

қилган. Камолиддин қози шунингдек, замонавий техника воситаларининг кириб келишини ҳеч бир ёмонлик томони бўлмасдан, аксинча, бу ҳам давр тақозоси эканлигини баён қилади ва кишиларни «Замон сенга боқмаса сен замонга боқ» зайлида иш юритишга чорлайди: «...Мана! икки йилда ҳам бориб келиб бўлмайдурғон ҳаж шарафиға, поезд ва параходлар соясида икки ойда бориб келса бўлур, бул ҳам усули жаид. Ўлтурғон ўрнимизда туруб дунёнинг нариги четидан телеграф воситаси бирла хабар оламиз, шул жойда туруб телефўн воситаси бирла Андижон, Намангандаги билиш, танишларимиз билан сўзлашамиз, бул ҳам усули жаид. Қани бунинг ёмонлиғи? Яъни усули жаид инсоннинг умрини бўлур бўлмасға зоёе қилмаслик учун чиқорилғон усулдур...».

Тил мустақиллиги муаммоси жаидлар қарашларида ўзининг қатъий ифодасини топган. А. Авлоний, Ш. Мухторов, А. Зоҳирий, А. Чўлпон ва бошқалар ўз вақтида бу ҳақда куюниб ёздилар. Жумладан, А. Авлоний: «Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадурғон оинаи ҳаёти тили ва адабиётидур. Миллий тилни йўқотмак, миллатни руҳини йўқотмакдур»³⁵, деган бўлса, А. Зоҳирий: «...қачонки бир миллат тилини йўқотса, ул вақт динини ва миллатини ҳам йўқотур...»³⁶, деган эди. Туркистон «қадимчи» лари бу

³⁵ Абдулла Авлоний. Ўсон миллат. Истиклол фидойилари серияси.- Тошкент: Шарқ-1993.-Б.7.

³⁶ Зоҳирий А. Она тили //Садойи Фарғона.-1914.-13 апр.

борада қай фикрда эдилар? Манбаларнинг кўрсатишича, уларнинг қарашлари ҳам жадинларнинг қарашларига ҳамоҳанг бўлган.

Туркистон, хусусан Фарғона жадинлари ва қадимчилари муносабатига назар солсак, айрим муаммоларда бу икки гуруҳ ўртасида яқдилликни, бошқа баъзи муаммоли мавзуларда эса қарама-қаршиликлар бўлганлигини кўраемиз. Бир жамият ёхуд бир ташкилот аъзолари ичида ҳам дунёқараш ва ижтимоий-сиёсий савиянинг турли даражада бўлишлигини инобатга олсак, қадимчилар орасида ҳам айна бир масалага турлича ёндашилганлигининг гувоҳи бўламиз. Чунончи, айрим қадимчилар усули жадинани мақбул кўрсалар ҳам, уни ушбу ном билан аталмаслигини талаб қилганлар: «...баъзи диёримиз уламолари усули жадин тартиблари ижро қилинсун, аммо «усули жадин» унвони ила аталмасун, дебдурлар..»³⁷. Албатта, ушбу тоифа қадимчи уламоларни тараққийпарвар уламолар билан бир сафга қўйиб бўлмайди.

Янги усулдаги таълимни жорий қилиш, техника фанларини ҳам ўрганиш замона тақозоси туфайли заруратга айланганлигини Фарғона тараққийпарварларининг пешқадами Обиджон Маҳмудов ҳам ўз мақолаларида исботлашга ҳаракат қилган: «...Усули жадида мактаблари ҳар нечук фоида ва манфаат кўрсатиб турсаларда, баъзи дуруст

³⁷ Ибн Абдуллоҳ Шоший. Жадин ва қадим надир //Садойи Туркистон.- 1914.-23 май.

ва тамом ақллик одамлар ҳар хил ирода эткуруб, шикоятға тил очмоқдадурлар...»³⁸.

О. Маҳмудов ёзадики, турмушимизга банк, вексел, босмахона, завод каби янгиликлар кириб келди. Ҳаётий зарурат янги усулдаги таълимни талаб қилмоқда. Эндиликда бундан бошқа янгиликлар ҳам ҳаётимизга кириб келмоқда. Шу боис замонага қараб иш юритмоқ лозим, дейди.

Жадид ва қадимчи муносабатларидаги асосий мунозарали масалаларда қадимчилар, қўйилаётган муаммога Қуръон ва Ҳадисдан келиб чиққан ҳолда ёндашар эдилар. Лекин жадидлар ҳам ўз қарашларини шаръий нуқтаи назардан ҳимоя қилишга ҳаракат қилганлар. Агар ўша давр вақтли матбуотига назар солинса, бу икки гуруҳ ўртасидаги баҳслар 1917 йил феврал инқилобигача асосан ахлоқий-маънавий, қисман сиёсий мавзулар атрофида айланганлигининг гувоҳи бўламиз.

Подшо ҳукуматининг ағдарилиши, Россиядаги сиёсий ўзгаришлар натижасида бевосита турли гуруҳ, оқим ва фиркаларнинг сиёсий фаоллигини ошувига ва улар ўртасидаги сиёсий мунозараларга ҳам кенг йўл очилди.

Россиядаги феврал инқилобини Туркистон уламолари ҳам зўр қувонч билан кутиб олдилар. Мавжуд имкониятдан миллий ва диний ишлар ривожини учун фойдаланиш

³⁸ Маҳмудов О. Усули жадидани ихтиро қилуб туруб, яна бошқалардан шикоят қилгувчиларга таажуб //Садоий Фарғона.-1914.- 25 июл.

зарурлигини тарғиб қилдилар: «...Бу инқилоб ва ўзгариш бизнинг фойдамизга бўлуб, диний-миллий ишларимизда комил даражада эркинликда бўлмакимизга йўл ва имкон берди»³⁹.

1917 йил ёзига келганда Туркистондаги ички сиёсий вазият миллий жамиятлар мисолида мураккаб аҳволни ўзида акс эттирар эди. Айрим муаммолар юзасидан қарашларнинг турличалиги боис, миллий ҳаракатда бўлиниш жараёни тезлашди. Бу муаммолар: диний ислохотлар, аёллар юзини очиш, урушга Россия ва Туркистоннинг бўлажак сиёсий тузилмаси ва Муваққат Ҳукумат томонидан олиб борилаётган Миллий сиёсатга муносабат ва бошқалар хусусида эди⁴⁰.

Маълумки, бунинг оқибатида 1917 йил июн ойига келиб, «Шўрои Исломия» ташкилотидан халқ орасида катта нуфузга эга бўлган «Шўрои Уламо» жамияти ажралиб чиқди. Жамиятнинг дастур ва Низоми июл ойи бошларида Тошкентда Беклар-беги мадрасасида бўлиб ўтган 25 000 кишилик митингга тасдиқланди⁴¹.

Тез орада Туркистоннинг кўплаб шаҳарларида, хусусан, Фарғона водийсида ҳам «Шўрои Уламо»нинг шўъбалари тузила бошлади.

³⁹ Аҳрорхон Махдум. Муҳтарам мусулмон биродарлар //Ал-изоҳ.-1917.-№1.-Б.3.

⁴⁰ Нажот.-1917.-3 июн.

⁴¹ Туркестанские ведомости.-1917.-18 июл.

1917 йил 28 августда Қўқон шаҳрининг «Жомеъ» мадрасасида бўлиб ўтган йиғилишда «Уламо Жамияти»нинг Қўқон шўъбасига асос солинди⁴².

Айни пайтда ғоявий қарашлар ортодоксаллигига қарамай, «Уламо» ташкилоти аъзолари ўлка маҳаллий аҳолисининг озодликка интилишларини фаоллаштиришга ўз хиссаларини қўшдилар.

1917 йил сентябр ойининг ўрталарига келганда миллий-озодлик ҳаракатларда бирлашиш жараёнлари кўзга ташланади. 1917 йил 17-20 сентябр кунлари Тошкентда «Шўрои Уламо» ташаббуси билан Туркистон ва қозок мусулмонларининг съезди бўлиб ўтди. Бу съездда Туркистоннинг деярли барча ҳудудларидан шунингдек, Урал ва Тўрғай вилоятларидан келган 500 делегат иштирок этди. Съездда бутун Туркистон учун ягона бўлган «Иттифоқи муслимин» деб номланувчи сиёсий партияни тузишга қарор қилинди⁴³.

«Уламо» жамиятида ҳам сиёсий қарашларнинг турличалиги ҳукмрон эди. Масалан, Тошкент «Шўрои Уламо» си Туркистон Мухториятига ишончсизлик билан қараган бўлса⁴⁴, Фарғона «уламо»лари эса, уларни умумий мақсадлар йўлида бирлашишга чақирганлар .

⁴² Ўз МДА, ф.1044, 1- рўйхат, 10-иш, В.36^а .

⁴³ Тошкентда уламо сизди //Улуғ Туркистон.-1917.-30 сен.

⁴⁴ Мухторият ва Тошкент уламоси //Улуғ Туркистон.-1918.-11 янв.

Фарғона «уламо»чилари мухторият учун курашда, кейинчалик эса истиқлолчилик ҳаракатида жадиждлар билан ёнма-ён изчил амалий фаолият кўрсатдилар⁴⁵. Агар масалага яқиндан ёндашиб қарасак, Фарғона жадиждлари ва қадимчилари ўртасида ўта кескин келишмовчиликлар бўлмаганлигининг гувоҳи бўламиз. Шу ўринда уламо тушунчасига изоҳ бериб ўтишни жоиз деб топдик. XX аср бошларида уламо тушунчаси ижтимоий маъно касб этар эди. Бундай пайтда уламо дейилганда, асосан мадрасаларни тамомлаган, диний ва дунёвий илмга эга бўлган зиёли кишилар тушунилган. Бироқ, сиёсий мақсадлар сари интилишлар ҳам кучайиб боргач, жадиждлар билан айрим масалаларда муҳолифатда бўлган ўлка зиёллари «уламолар» деб атала бошланди. Бу даврга келиб, уламо тушунчаси сиёсий маънода қўлланиладиган бўлди. Совет даврида эса, уламо тушунчаси «миллатчи», «ватан хоини», «халқ душмани», атамалари билан бир қаторда, фақат салбий маънода қўлланилди.

Тадқиқот натижаларига кўра шундай хулосага келса бўладики, барча уламоларни «қадимчи» лар тоифасига киритиш мақсадга мувофиқ эмас. Маълумки, деярли барча жадиждлар мадрасаларни тамомлаган эдилар. Шунинг учун уларни ҳам аслида уламо деб ҳисобласа бўлади. Уламолар

⁴⁵ Ражабов Қ. Фарғона водийсидаги озодлик ҳаракати йўлбошчилари (1918 йил феврал-август) Туркистон мустақиллиги ва бирлиги учун кураш саҳифаларидан.-Тошкент: Фан, 1996.-Б.62.

ичида шундай қатлам бор эдики, улар том маънода тараққийпарвар уламолар эдилар. Масалан, демократик давлатчиликнинг назарий асосини кўрсатиб берган «Турк Адами Марказияти» федералистлар фирқасининг маромнома ва низомномасини ёзишда водийнинг машхур уламолари қатнашдилар⁴⁶. Истиқлолчилик ҳаракатининг фаол аъзолари ва ғоявий раҳнамолари ҳам худди мана шу уламолар бўлдилар. Лекин уламолар доирасида ҳар бир янгиликка бидъат деб баҳо берувчи, Европа фан ва техникаси ютуқларини ўлкага киритилишига мутлақо қарши бўлган гуруҳ ҳам мавжуд бўлган. Айти пайтда ушбу уламолар гуруҳини қадимчи уламолар ташкил этган.

Фарғонада жадинд-қадимчилар мунозараси турли хил кўринишларда 10 чи йиллардан кейин кучая борган. Дастлабки бундай мунозаралар мактаб таълими соҳасидан бошланган. Замона тақозоси билан кириб келган янгиликларни «бидъат» деб рад этувчи шахсларга нисбатан жадиндлар ҳам ўз вақтида жавоб берганлар.

Хулоса қилиб айтганда, тараққийпарвар уламолар билан жадиндлар ўлка тараққиёти йўлида ўзаро ҳамкорликда иш тутганлар. Масалан, Саййид Носирхонтўра жадиндларга ўз ғояларини тарқатишда кўмаклашган⁴⁷. Ашурали Зоҳирий ҳам тараққийпарвар уламолар фаолиятини ўз мақолалари орқали

⁴⁶ Туркистонда халқ жумҳурияти //Фан ва Турмуш.-1990.-№7.-Б.8.

⁴⁷ Эрк Турк. Саййид Носирхонтўра //Турон тарихи.-1994.-№3.-Б.21.

кўллаб-қувватлайди⁴⁸. Фарғона уламолари 1917 йил феврал инқилобидан кейинги демократик жараёнларда, Туркистон Мухториятини ташкил этишда фаол иштирок этдилар. Ўлка зиёлилари сиёсий фаоллигининг ошуви улар орасидаги бўлинишнинг тезлашувига ҳам олиб келди.

Бир мақсад йўлида кураш олиб бораётган миллат зиёлиларининг жаид ва қадимчилар гуруҳига ажралиши эрк ва озодлик учун бўлган курашга ўзининг салбий таъсирини кўрсатди.

Шундай қилиб айтиш мумкинки, XX аср бошларида Фарғонадаги ижтимоий-сиёсий вазият ғоят оғир бўлиб, маҳаллий аҳолининг ҳуқуқсизлиги, таҳқирланиши ҳаддан ошган, Водий мустамлакачилар учун арзон иш кучи ва хом ашё базасига айланиб қолган эди. Илғор зиёлилар Туркистон метрополиянинг хом-ашё базасига айланиши билан бирга, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий жабҳаларда жаҳон тараққиётидан ортда қолаётганлигини сездилар. Ватан тақдири ҳақидаги бундай ўйлар охир-оқибатда мустақиллик учун курашнинг ўзига хос йўллариини излаб топишни тақозо этди. Мавжуд вазиятда, яъни, кучли сиёсий-ҳарбий таянчга эга бўлган мустамлакачи ҳукумат билан миллат келажаги йўлида беллашишнинг ягона йўли, халқни дунёвий илм-фан билан қуроллантириш, халқаро талаблар доирасидаги

⁴⁸ Зоҳирий А. Ёрдам ўрнига бизлар бир-биримизни эзишамиз //Садойи Фарғона.-1914.-8июн.

мутахассислар тайёрлашдан иборат эди. Бу эса ўз ўрнида жадиличлик ҳаракатининг келиб чиқишига сабаб бўлди.

Жадиличлик ҳаракати дастлаб ҳақли равишда маърифатпарварликдан бошланди. Туркистонда Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунаввар қори Абдурашидхон ўғли, Файзулла Хўжаев, Абдулла Авлоний, Убайдулла Асадуллахўжаев ва бошқалар бу ҳаракатнинг бошида турдилар. Фарғона водийсида эса жадиличликнинг атоқли намояндalари: А. Зоҳирий, О. Маҳмудов, И. Ибрат, Ҳамза, Чўлпон, А. Ибодий, Дадамирза қори ва бошқалар эди.

Рус мустамлакачилигига қарши кураш турли кўринишларда бўлса-да, давом этди. Бу кураш бошида миллатнинг илғор фикрли зиёлилари турдилар. Дастлаб мактаб-маориф, ёш авлод таълим ва тарбиясини ислоҳ этиш ғоясидан бошланган бу ҳаракат, кейинчалик ўз ичига сиёсий муаммоларни ҳам кенг кўламини қамраб олди.

1908-1917 йиллар оралиғида фарғоналик тараққийпарвар кучлар аста-секинлик билан бўлса-да, ягона сиёсий куч сифатида бирлашиб, ўз ташкилотларига ва оммавий нашрларига эга бўлдилар. Сўнгра ўлкада миллий-демократик давлатчиликни тиклаш ишларида фаол иштирок этдилар. Ягона мақсад йўлида ушбу ташкилотлар номидан ташвиқот ва тарғибот ишларини олиб бордилар.

II Боб XX аср бошларида Фарғона водийси жадидларининг маданий-маърифий ва ижтимоий-сиёсий фаолияти

XIX аср охирларида вужудга келган Фарғона водийсидаги жадидчилик ҳаракати XX асрнинг 10-йилларига келганда сифат жиҳатидан бир биридан фарқ қилувчи ривожланиш босқичларини босиб ўтди. Ватан ва миллат тараққиёти учун фарғоналик жадидлар турли хил йўналишларда фаолият кўрсатдилар. Ушбу ҳаракат вакиллари жамиятда ижтимоий-сиёсий ислохотлар ўтказиш учун курашни муҳим масала деб билганлари ҳолда ҳам, маърифат учун кураш тараққийпарварлар фаолиятининг асосий диққат марказида турди. Маърифатни улар кенг маънода тушиндилар. Шу боис, миллий маърифатпарварликнинг янги тармоқларини ўлкада қарор топтирдилар. Ижтимоий турмушни, миллий урф-одатларни ислох қилишни жадидлар долзарб масалалардан бири деб ҳисобладилар. Жадидлар сиёсий фаолиятининг юксак чўққиси улар томонидан Туркистон Мухториятининг ташкил этилиши бўлди. Гарчанд, бу ҳукумат қонга ботирилган бўлсада, бироқ ўлкада миллий асосдаги давлатчиликни тиклаш учун дадил қадамлар ташланди.

2.1. Жадидчилик ҳаракатининг илғор намояндалари ва уларнинг фаолияти

XX аср бошларида водий жадидлари орасидан Туркистон жадидчилик ҳаракатининг ривожига ўзининг муносиб

ҳиссасини қўшган кўплаб таниқли намояндалар етишиб чикдилар. Улар Туркистон жадиличлик ҳаракати тарихида ўзларининг муносиб ўринларига эгадирлар. Масалан, Обиджон Маҳмудов йирик сармоядор, биринчи тоғ-кон инженери, Ашурали Зоҳирий йирик тилшунос олим, мукаммал ўзбекча-русча луғат муаллифи, Ҳамза истеъдодли драматург, А. Ибодий, Дадамирза Қори эса янги усул мактаблари учун дарсликлар ёзган таниқли муаллимлар эдилар. И. Ибрат тилшунос олим, тарихчи, Чўлпон ва Сўфизодалар машҳур жадида адиб ва шоирлари, Иброҳим Даврон эса атоқли тараққийпарвар публицист эди. Жадида намояндалари турли соҳаларда миллат равнақи учун фаолият кўрсатдилар. Шулардан бири Обиджон Маҳмудов эди.

Туркистон истило қилинган, ўлкада капиталистик бозор муносабатлари кириб келди. Ана шу жараёнда маҳаллий халқ ичидан етишиб чикқан миллий сармоядорлар-савдо-саноат эгалари ҳам шакллана борди. Мустамлакачилар маҳаллий миллат вакиллари орасида йирик мулкдорлар пайдо бўлишини сира истамас эди. Улар миллат ичидан етишиб чикқан мулкдорлар табақаси охирида ўз халқининг туб манфаатлари учун курашишидан кўрқар эдилар. Шунинг учун подшо ҳукумати амалдорлари ва буржуазияси ўсиб келаётган ўзбек маҳаллий сармоядорларининг иқтисодий-сиёсий ҳуқуқларини чеклаб, унинг ривожланиши, иқтисодий жиҳатдан қудратли бўлиб кетишига тўсиқ қўйган эди. Лекин шунга қарамай қадим замонларда ҳам Буюк Ипак Йўлининг

назоратини ўз қўл остида сақлаган, ўз хунармандчилик буюмлари билан жаҳон бозорларини тўлдирган ота-боболаримиз юртида, мустамлака шароитида ҳам ишбилармон ва тадбиркор, Ватан ва миллат фидоийси бўлган кишилар етишиб чикдилар. Туркистоннинг йирик сармоядорларидан бири, таниқли жаид Обиджон Абдуҳолик ўғли Маҳмудов (1858-1936) шундай кишилардан бири эди. Замоносида «Фарғона жаидларининг пешқадами» деб ном олган Обиджон Маҳмудов, Петербург Университетини тамомлаган, халқимиз орасидан етишиб чиққан биринчи тоғкон муҳандиси эди. О. Маҳмудов ишбилармон саноатчи, тадбиркор инсон эди. У 1906 йил Қўқон шаҳрида ташкил топган савдо-саноат биржа жамиятининг ҳам аъзоси бўлган⁴⁹. У ўзининг тижорат ишлари билан Россиянинг марказий ҳудудлари, Волгабўйи ва Кавказда бир неча бор бўлди. У ерлардаги ижтимоий-сиёсий ҳаёт, кишиларнинг турмуш тарзи, маданияти, қарашлари билан танишди. Туркистон мустамлакачилигининг ёрқин намунаси эканлигини янада чуқурроқ англаб етди. Энг аввало, у миллий сармояни тежаш, уни миллатнинг равнақига хизмат қиладиган иқтисодий-маданий, маърифий соҳаларини вужудга келтириш, замонавий асосга қурилган хунармандчиликни ривожлантириш каби масалаларга асосий эътиборни қаратди. Шу мақсадлани амалга оширишга бутун куч ва ғайратини

⁴⁹ ЎзМДА, 19-И фонд, 1- рўйхат, 26684-иш, В.15.

сарф этди. Обиджон Маҳмудовнинг ташаббуси ва бевосита раҳбарлиги остида Қўқонда босмахона ташкил этилиб, 1914 йил апрел ойидан эътиборан, Фарғона водийсидаги ўзбек тилидаги биринчи газета - «Садойи Фарғона» нашр этила бошлади⁵⁰. Бунгача Фарғона вилоятида тўлалигича миллий руҳдаги бирон-бир нашр йўқ эди. Обиджон Маҳмудов ушбу газетанинг ношири ва муҳаррири эди. Бокуда чиқадиган «Янги Иқбол» газетасидаги мақолаларининг бирида Чўлпон бу ҳақида шундай деб хабар берган эди: «...1914 йил сана апрел ойи биз туркистонликлар учун бир «миллий байрам» дейинилмага лойиқ бир ой эди. Чунки апрелнинг 2 ёки 3 нда Хўқанд тужжорлариндан муҳтарам Обиджон афанди Маҳмудоф ҳиммати ила «Садойи Фарғона» исминда ҳафтада 3 дафъа нашр қилинур бир ғазита чиқа бошлади. Бутун Туркистон бу ғазитани буюк бир шодлик ва суюнч ила қорши олдилар»⁵¹. Икки ойдан сўнг, Обиджон Маҳмудов рус тилида «Ферганское эхо» номли газетани нашр эттира бошлади.

О. Маҳмудов матбуотни халқни маърифатли қилиш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишнинг муҳим воситаси деб билди. Шу мақсад йўлида ташкил этилган «Садойи Фарғона» газетасида чоп этилган мақолаларида бу соҳада ўз фикрларини у қуйидагича баён қилади: «...Бутун уммати Исломия аҳволи оламдан хабардор бўлиб ибрат олмоқ шарафига ноил бўлсунлар... Чунки ғазита ўқуган одам ҳар

⁵⁰ Маҳмудов О. Эътизор //Тирик сўз.-1917.- 2 апр.

⁵¹ Чўлпон. Туркистон мактуботи //Янги Иқбол.-1915.-24 нояб.

куни аҳволи оламдан хабардор бўлур»⁵². Газетани нашр этишдан мақсадни муҳаррир куйидагича шарҳлаган эди: «...газитани нашр этишдан мақсадимиз, албатта, тижорат эмас, балки халқимизга қўлимиздан келган қадар хизмат этмакдир»⁵³.

Газета жадинчилик ғояларининг жарчиси бўлиб майдонга чиқди. Унинг саҳифаларида илм-маърифат улуғланган, янги усул мактаблари тарғиб қилинган, бидъат-хурофотлар, халқимиз орасидаги зарарли ва нохуш одатлар - ароқхўрлик, тамаки чекиш, дабдабали тўйлар ўтказиш, исрофгарчиликлар кескин танқид қилинган.

Чор амалдорларининг ўзлари ҳам «Садойи Фарғона» газетасини илғор йўналишдаги нашр сифатида тан олганлар. Унинг ноширига эса, ишбилармон, тадбиркор шахс сифатида баҳо берганлар. Айни пайтда, Туркистон ўлкаси руслар ҳукмронлигидан албатта халос бўлиши керак, деган фикрларни бир неча бор айтганлиги учун ҳам унга ишончсизлик билан қараганлар⁵⁴.

О. Маҳмудовнинг фаолияти ва унга мустамлакачиларнинг муносабати ҳақида хорижлик олим Шаҳобиддин Яссавий ўзининг «Туркистоннинг аччиқ ҳақиқатлари» номли китобида шундай дейди: «Обиджон Маҳмуд Туркистон

⁵² Маҳмудов О. Ғазита надур ва на учун лозим //Садойи Фарғона.-1914.-10 апр.

⁵³ Маҳмудов О. Мақсад ва маслак //Садойи Фарғона.-1914.- 3 апр.

⁵⁴ ЎзМДА, 1-И фонд, 31- рўйхат, 1144-иш, 35-варақнинг орқа томони.

муборизларидан мунаввар бир ёзувчидир. 1914 йил Хўқандда «Садойи Фарғона» исминда жаридида нашр қилуб, миллатни бирлигина чақирмоқда бўлгон. Ёйим эса, Туркистон бўйлаб кўпгина мутоала қилғувчиларга эга эди. 1917 йилда ҳам «Тирик сўз» исминда сиёсий итлоатлар нашрига жаридида чиқоруб ёймоқда бўлгон Обиджон Маҳмуд истеъмори империолист руслар тарафиндан мамонеъатларга учраб, «Садойи Фарғона» ва «Тирик сўз» дегон миллий жаридалари мусодара бўлди. Обиджон Маҳмуд эса доимо охрнка кўз қарамоғинда бўлуб, қалам тебратушдан қолди. Обиджон Маҳмуд неча мартаба террор охрнка ҳибсхоналарида ҳам қолмиш»⁵⁵.

Шуни алоҳида таъкидлаб кўрсатиб ўтиш лозимки, барча жаидлар қатори у ҳам мустақиллик учун кураш жараёнида иқтисодий мустақилликка эришиш масаласига алоҳида эътибор қаратди. Шу боис у, иқтисодий мустақилликка эришмасдан туриб сиёсий, ҳуқуқий, маданий ва диний соҳаларда мустақилликка эришиб бўлмаслигини яхши англаб етган эди. Мустамлакачи ҳукумат маҳаллий мулкдорлар, ишбилармон, тадбиркорлар мавқеининг ўсишига қаршилик кўрсатиб турган бир шароитда, у иқтисодий соҳаларда катта

⁵⁵ Шаҳобиддин Ясавий Исмоил Шайх ўғли. Туркистоннинг аччиқ ҳақиқатлари.-Иккинчи нашри.-Истамбул: 1984.-Б.144 (араб алифбосида).

мувафақиятларга эришди. «Садойи Фарғона» газетасида иқтисодиётга оид бир неча мақолаларни эълон қилди⁵⁶.

Масалан, газетадаги мақолаларининг бирида миллий савдогарчилик, унинг ўтмишдаги мавқеи, ўзига хос хусусиятлари, афзалликлари тўғрисида маълумотлар берган. Муаллифнинг ёзишича, илгариги замонларда савдогар аҳли нуфузли табақа сифатида жамиятда ўз ўрнига эга бўлган. Бирор кишининг бошига иш тушиб пул сўраб келса, миннатсиз ёрдам беришни улар ўз бурчлари деб билганлар: «...Лекин бирор тийин просиент деган нарса йўқ эди: балки қарзи ҳасана тариқа ила берур эдилар».

Муаллиф маҳаллий савдогарчилик ҳалоллик, одиллик асосига қурилганлиги учун ҳам баракотлик бўлиб, халқ учун фақат наф келтирганлигини, савдо-судхўрлик капиталининг кириб келиши билан эса иқтисоднинг бу соҳаси ҳам издан чиқиб, оқибат натижада кўплаб муаммоларни келтириб чиқарганлигини кўрсатиб ўтади: «...Шу афъоли ҳасана хосиятидан ҳар ишда баракот ҳам кўб эди. Фақат йигирма беш йилдан буён Фарғонада уч - тўрт хил қоида чиқди, ҳар иш боғланди. Муруввати инсоният деган нарса, манфаати шахсия деган худбинликга мабдил бўлди»⁵⁷.

⁵⁶ Маҳмудов О. Эски барокотлик савдогарчилик //Садойи Фарғона.- 1914.-28 май.; ўша муаллиф: Эски асрдан бир мазмун //Садойи Фарғона.- 1915.- 14 март.

⁵⁷ Маҳмудов О. Эски баракотлик савдогарчилик //Садойи Фарғона.- 1914.-28 май.

О. Маҳмудов тадбиркор шахс бўлгани боис иқтисодий масалаларга, хусусан, маҳаллий саноат, савдо ва ҳунармандчиликка катта аҳамият берган. У ўзининг «Садойи Фарғона»даги мақолаларининг бирида маҳаллий қоғоз ишлаб чиқариш ҳунармандчилигига тўхталиб, бу ҳақдаги ўз фикрларини баён этган. Муаллиф ўз замонасида қадим замонлардан бери ўлкадаги китобат ва сарой ишлари учун ишлатиладиган қоғозлар Россия ва Хитойдан эмас, балки Туркистоннинг ўзидан, айнан Қўқоннинг ўзидан ишлаб чиқарилар эди, дейди. Бу қоғозлар шу ернинг ўзида тайёрланиши билан бирга, арзон ҳам эди. Қоғозлар асосан Қўқоннинг «Мўйи Муборак» деган мавзесида ишлаб чиқарилган бўлиб, илгарилари бу ерда 10-15 атрофида қоғоз обжувозлари ишлаб турган. Лекин муаллифнинг таъкидлашича, айти пайтда бундай обжувозларнинг баъзиларигина ишлаётган эди. Миллий қоғоз ишлаб чиқаришнинг йўқ бўлиб кетишидан хавфсираган О. Маҳмудов ҳукумат раҳбарларини миллий ҳунармандчиликнинг ушбу турининг ривожига аҳамият беришга чақиради: «...Балки ҳукуматга бир яхши фоидалиқ иш бўлиб қолса ҳам ажаб эмас...яна беш-ўн йил аҳамият бериб шул ишни очмасалар, эҳтимолки, назардан шул касбга айб бўлуб кетса ҳам ажаб эмас»⁵⁸.

⁵⁸ Маҳмудов О. Эски асрдан бир мазмун //Садойи Фарғона.-1915.-14 март.

Туркистон Мухторияти ҳукумати таркибида О.Маҳмудов озиқ-овқат нозири вазифасида фаолият кўрсатиб, 1936 йилнинг 21 ноябрида 78 ёшида вафот этди.

Фарғона жадиdlарининг йирик вакилларида бири Абдулҳамид Сулаймонқул ўғли Юнусов (Чўлпон)дир. У 1897 йил Андижонда дунёга келди. Чўлпон Фарғона жадиdlарининг янги авлодига мансуб бўлиб, ижтимоий-сиёсий фаолияти 1914-1915 йиллардан бошланади. Унинг дастлабки мақоласи 1914 йил «Садойи Фарғона» ва «Садойи Туркистон» газеталарида босилиб чиқади. Абдулҳамид ёзувчи, шоир бўлиш билан бирга ўткир публицист, ҳозиржавоб қаламкаш ҳам эди.

Чўлпон Ватанининг фидойи, халқпарвар фарзанди сифатида мавжуд ижтимоий-иқтисодий тузумга ўз муносабатини мақолалари орқали билдириб борди. У Ватанни, миллатни бағоят севган чин маънодаги ватанпарвар эди. Жумладан, Туркистонда, хусусан, Фарғонада темир йўлларни қурилишини ижобий баҳолагани ҳолда, бундан келиб чиқаётган салбий ҳодисаларни ҳам ўз вақтида кўрсатиб берди.

Бошқа тараққийпарварлар каторида Чўлпон темир йўл қурилиши туфайли аҳоли вокзал, станциялар барпо қилиш учун ўз ерларини арзон-гаровга сотиб, марказлардан

узоқлашиб, қашшоқликка маҳкум бўлаётганини, улар ўрнини европали аҳоли эгаллаётганини куюниб ёзган эди⁵⁹.

Чўлпоннинг Ватан, она ер ҳақидаги фикрлари ғоят ибратли ва таъсирчандир: «... Ватан тупроқи шундоғ онадурки, буни хор қилдук, ўзимизнинг ҳам хор бўлмоқимиз кўз олдидадур... Тупроқдан яратилдук, демоқ тупроқ танзимиздур, ўз танзимизни ўзимиз сотсак беақллик эмасму? Ажабо!!!...».

Айни пайтда Чўлпон миллий қадриятлар, миллий урф-одатлар ҳимоячиси бўлиб майдонга чиқди: «...Эй қариндошлар... катта илтимосимиз шулдурки, Оврўпонинг мўдосидан, шишасидан, бузуқ ахлоқидан намуна олмасдан ва бунларга бул жиҳатдан тақлид қилмасдан, балки, илм, Фан, ҳунар, саноатга ўхшашлик маданиятларидан намуна олуб, бул жиҳатдан тақлид қилмоқимиз лозимдур. Оврўпонинг мўдоси ва бузуқ ахлоқи сизларни хонавайрон, беватан, асир-қул қиладур. Бундан сақланингиз!!!»⁶⁰.

Чўлпон ўша кездаёқ ватан бойликлари мустамлакачилар томонидан ўзлаштирилаётганини, бунга эса чек қўйиш лозимлигини ошкора айта олган эди: «...Ватанимизнинг бойлигини, тижоратимизнинг фоидаларини четлар чўнтагига солмасдан ва бермасдан ўз чўнтагимизда олуб юрмагимиз

⁵⁹ Мулло Убайдуллоххўжа Сулаймонхўжа ўғли. Туркистондаги билхосса Фарғонадаги мусулмон қариндошларимизга хитоб //Садойи Фарғона.-1914.-18 май.

⁶⁰ Чўлпон. Ватанимиз Туркистонда темир йўллар //Садойи Фарғона.-1914.-6 июн.

керакдур. Бизга шундоғ ишларга киришмоқға вақт !... Биз ҳам инсонмиз, инсондек яшайлук !...».

Чўлпон ҳар соҳада замон талабига мос иш тутиш тарафдори эди. Жумладан, иқтисодиётда Европанинг техника ютуқларидан фойдаланиш зарурлигини у қуйидагича ифодалайди: «Оврўпонинг мактаб, мадраса, илм - Фан, саноат, ҳунарга ўхшаш маданиятлари сизларни обод, маъмур олим қилуб, жоҳилликдан, асорат қуллигидан қутулдуродур. Биродарлар кўзларингизни очуб яхши ўйланглар!!!...». Чўлпон деҳқонлар учун махсус банклар очиш лозимлигини ва бу каби тадбирларнинг афзаллик томонларини баён қилиб беради: «...Амриқоликлар экин асбоблари ишлатуб, биз 10 киши 10 кунда қилғон ишимизни, онлар 2 киши билан 10 соатда қилмоқдадурлар!... Шул осон асбоблар Русияни бутун деҳқонларида бордур. Бизлар ҳам шул экин асбобларидан олиб ишлатсак оғир меҳнатларимиз енгилланур эди...»⁶¹.

Мустаҳкам иқтисодий асосга таянган ҳолдагина тараққиётга эришиш мумкинлигини Чўлпон ҳам ўз қарашларида ифода этган. Мустамлакачилар томонидан таланаётган, иқтисодий қашшоқлик сари маҳкум этилган Туркистон халқларини аянчли аҳволини гувоҳи бўлган атоқли жаид, ундан қутилиш йўлларини таклиф қилади: «...Авваллари қандоғ яхши бўлса, сўнгги кунларда ва сўнгги йилларда кундан кун орқага қараб қадам қўймоқдадур.

⁶¹ Чўлпон. Ватанимиз Туркистонда зироат ва деҳқончилик //Садойи Фарғона.-1914.-30 апр.

Масалан: мундан 10-15 йил аввал бир деҳқонни ўзига яраша ери бўлуб бола чақаси билан ишлаб чиқғон, маҳсулни бозорга керак вақтида олуб тушуб, оз-оздан сотуб бола чақалари билан қиш ичи роҳати умр ўтқарур эди... Ёзайлук қариндошлар зироатдан! Ёзайлук қариндошлар иқтисоддан! Алар бўлса, мактаб ҳам бўлур, илм ҳам бўлур...»⁶².

Чўлпон Туркистон Мухториятини шоду-хуррамлик билан кутиб олди. Мухторият тугатилгач, совет идораларида ишлади. Кўплаб тараққийпарварлар қатори у ҳам 1938 йил 4 октябрда Сталин истибдодининг қурбони бўлди.

Фарғоналик яна бир оташқалб тараққийпарвар Ашурали Зоҳирий-Мухаммадзоҳировдир (1885-1937). У 1885 йилда Қўқон шаҳар атрофидаги Ойим қишлоғида туғилган. Қўқондаги Мадалихон мадрасасида бошланғич таълимни олиб, 1907 йилнинг март ойидан Қўқон рус-тузем мактабида ўзбек тили ва адабиётидан дарс бера бошлайди⁶³.

Зоҳирий 1910 йилдан бошлаб газеталарда ўз асарлари, замон руҳига мос мақолалари билан қатнаша бошлади. Унинг бу мақола ва асарлари ўзбек тили масалалари, мактаб ҳаёти, ўқув-тарбиявий ишларга бағишланиб, туб моҳияти билан халққа маориф тарқатиш руҳида ёзилган. Зоҳирийнинг бу асарлари «Садойи Фарғона», «Садойи Туркистон» ва «Туркистон вилоятининг газети»да чиқиб турди. Мазкур

⁶² Чўлпон. Ватанимиз туркистонда зироат ва деҳқончилик //Садойи Фарғона.-1914.-30 май.

⁶³ Мадаминов А., Тожибоев Р., Валихонов М. Маърифат чароғбони //Адабий мерос.-1985.-Б.28.

мақолаларнинг руҳиятида кишиларда миллий ва диний иймон-эътиқод, ватанпарварлик хислатларини тарбиялаш ғояси ётар эди. Мақолалар Зоҳирий сиёсий қарашларининг кўзгуси эди. Унинг мақолалари бошқа тараққийпарварлар мақолаларига нисбатан миллийликка кўпроқ урғу берилиши билан ҳам ажралиб туради. Жумладан, «Садойи Фарғона» газетасида эълон қилинган «Она тили» мақоласида маърифатпарвар кишиларни чет тилларни ҳам яхши ўзлаштиришга даъват этган ҳолда, ўз она тилини ҳам мукаммал эгаллашга чақиради: «...қачонки ўз тилимизни яхшилаб билмадикму, бошқа тилни албатта дуруст билмаймиз. Шунинг бирла на они билурмиз ва буни!...»⁶⁴.

Зоҳирий ўткир тилшунос ва журналист, истеъдодли адабиётшунос, билимдон таржимон, ажойиб ташкилотчи, саҳоватли мураббий бўлган. У ўз она тилидан ташқари араб, форс ва рус тилларини ҳам яхши билар эди. 1916 йил «Имло» номли китоб ёзиб, уни Қўқондаги «Ғайрат» кутубхонаси орқали нашр эттиради. 1925 йилда у икки жилдли «Русча-ўзбекча луғат» ни тузди ва нашр эттирди.

Зоҳирий мустамлака Туркистоннинг аянчли аҳволини ўша пайтдаёқ очик айта олган довюрак инсон эди: «...биз Туркистон мусулмонлари борган сари парчаланмоқда,

⁶⁴ Зоҳирий А. Она тили //Садойи Фарғона.-1914.-13 апр.

бойлар, хунарликлар озойуб, умуман деярлик фақир зиллатга тайёрланмоқдадурлар...»⁶⁵.

1917 йил феврал инқилобидан кейин ўлка таракқийпарвар кучлари фаолиятида кескин кўтарилиш юз берди.

Бу даврда Зоҳирий ҳам Туркистон ҳаётидаги ижтимоий-сиёсий воқеаларда қизғин иштирок этди. 1917 йил апрел ойида бўлиб ўтган ўлка мусулмонларининг биринчи қурилтойида Туркистонни Россия Федератив Республикаси таркибида мухтор жумҳурият бўлиши ҳақидаги қарорни ёқлаб чиқди. Туркистон мусулмонлари ўлка Шўросининг Фарғона вилояти фаолиятини йўлга қўйишда ғайрат кўрсатди.

Унинг сиёсий қарашлари маслак жиҳатидан Валидий, Мунаввар қори, Обиджон Маҳмудов фикрлари билан мос тушар эди. А. З. Валидий ҳам ўз хотираларида Зоҳирий билан яқин алоқада бўлганлигини таъкидлаб ўтади.

Зоҳирий совет ташкилотларида фаолият кўрсатган чоғларида ҳам миллий мустақиллик ғоясидан воз кечмади. Ўз тақдирини миллат тақдири билан узвий боғлиқликда кўрди. Тарихчи олим Қаҳрамон Ражабовнинг берган маълумотларга қараганда, Зоҳирий Мунаввар қори, Миён Бузрук

⁶⁵ Зоҳирий А. Ёрдам ўрнига бизлар бир-биримизни эзишамиз //Садойи Фарғона.-1914.-8 июн.

Солиҳовлар билан бирга Фарғона кўрбошиларининг курултойида қатнашганлар⁶⁶.

1930 йил 30 январда Ашурали Зоҳирий сиёсий айблар билан терговга тортилди ва 10 йил муддатга қамоққа қамоққа ҳукм қилинди. Муддатидан илгари қамоқдан қайтган исёнкор маърифатпарварни кўп ўтмай 1937 йил яна қамоққа олдилар. «Учлик» комиссиясининг 1937 йил 4 декабрдаги суд ҳукми билан отилди.

Фарғона тараққийпарварларининг йирик намояндаларидан бири Қўқонлик жаҳид, маориф жонкуяри, қатағон қурбони Абдулваҳҳоб Ибодийдир. У ўз даврида Фарғонанинг машҳур жаҳид муаллимларидан эди.

Абдулваҳҳоб Ибодий Ўзбекистонда халқ маорифини ривожланишига муносиб ҳисса қўшган, кўплаб таниқли зиёлиларни етиштириб чиқарган инсондир.

Ибодий 1877 йил Қўқон шаҳрининг Эски аравабозор маҳалласида қосиб оиласида дунёга келади. Мактаб ёшига етгач, маҳалла мактабларида таълим олади. Сўнгра, уни 14 ёшида мадрасага ўқишга беришади. Кейинчалик Мулла Шоазим (Нўғой домла) нинг янги усул мактабини тамомлаган Мулла Абдулваҳҳоб 1901 йил ўзи ҳам Сўфи Бадал Эшон Хонақоҳида «Мактаби Ваҳобия» номли янги усул мактабини очади.

⁶⁶ Ражабов Қ. Жаҳидлар-истиклолчилик ҳаракатининг ғоявий раҳнамолари. Ўзбекистон тарихи: янги нигоҳ. Жаҳидлар ҳаракатидан миллий мустақилликка қадар.-Тошкент: Эльдинур, 1998.-Б. 15.

Ибодий ўзининг маърифатпарварлик фаолияти жараёнида халқимиз учун кўплаб илм-фан, адабиёт намояндаларини етказиб берди.

У фақат мактаб-маориф ишлари билан чекланмасдан, омма орасида ташвиқот ва тарғибот ишларини яхши йўлга қўйишга ҳам алоҳида аҳамият қаратган.

Фарғона жаидлари томонидан 1914-1915 йилларда чоп этилган «Садойи Фарғона» газетасида унинг бир неча мақолалари босилиб чиққан. Абдулваҳҳоб Ибодий айна пайтда мазкур нашрнинг ташкилотчиларидан бири бўлган⁶⁷.

Газетанинг 1914 йилги сонларининг бирида Ибодийни «Туркистон аҳли нима учун инқирозга юз тутдилар?» номли мақоласи босилган бўлиб, унда муаллиф асосий эътиборни мактаб, мадрасалар ва дарсликларнинг ислоҳига қаратиш зарурлигини таъкидлайди. Шу билан бирга, ўлкамиздаги маърифат масканларида ривожланган халқларнинг илм-фан соҳасидаги ютуқларидан фойдаланиб, таълим-тарбия ишларини олиб бориш кераклигини уқтириб ўтади. Унинг фикрича, тараққиётга эришган миллатларнинг ривожланиш сабабларидан бири, бу - ислом дунёси олимларининг асарларидан фойдаланиб, ундаги илмларни ҳаётга тадбиқ этганликларидадир.

Оврўпо илм-фани, техникаси ютуқлари, тажрибаларини Туркистон халқлари ҳаётига тадбиқ этишга қарши чиққан

⁶⁷ Муддаомиза мувофиқ //Садойи Фарғона.-1914.-3 апр.

кишиларга жавобан, бу илмлар асли дастлаб ислом дунёсида шаклланганлигига муаллиф тушунтириш беради: «...Бутун олими ислом ороларида бундоғ нарсаларга ҳеч бир илтифот қилинмай, ота-боболарининг қолдуруб кетган нарсаларини ҳам танимайдурғон бўлғонларидан; илм, шараф ва бойликлари (қўлларида бўлғон тижорат ва касблари) бошқаларга ўтуб, беллари тамом букулуб, минг хўрлик билан умр ўтказмоқдалар...»⁶⁸. Чор мустамлакаси даврида мазлум халқ вакили сифатида бу фикрни очиқ баён этиш, албатта, жасорат эди. Туркистон аҳли бошига ёққан бу балолардан қутилишнинг йўли - маорифни ислоҳ қилиш, асосий эътиборни таълим-тарбия ишларига қаратиш, Оренбург, Қозон, Уфа каби шаҳарларга талабалар юбориш, ҳимматлик бойлар ёрдами ила мактаб биноларини замонавий ҳолга келтириш лозим эканлигини таъкидлаб ўтади: шундагина «...тез фурсатда Туркистонимиз халқининг илм ва маърифат тобмоқлари табиийдур», -деб, келажакка умид билан боқади.

Бизга маълум архив маълумотларига кўра Фарғона водийсидаги усули савтия мактабларида Ибодий томонидан тузилган дарсликлардан фойдаланилган. Фарғона водийсидаги янги усул мактабларида Фотиҳ Каримов, Мунаввар қори Абдурашидхонов, Саид Расул Азизов ва бошқалар томонидан тузилган дарсликлар билан бир қаторда Ибодийнинг илмий мерос сифатида қолган 1912 йил

⁶⁸ Ибодий А. Туркистон аҳли нима учун инқирозга юз тутдилар? //Садойи Фарғона.-1914.-20 апр.

Тошкентда чоп этилган «Тасҳил ул-алифбо» дарслиги, Тошкентда 1913 йил чоп этилган, илоҳиёт Фани бўйича ва диний тарбияга оид «Эътиқодоти Исломия» асарларидан кенг фойдаланилган⁶⁹.

Ибодий 1921-1923 йилларда «Қўшчи» иттифоқида озиқ-овқат тайёрлов идорасида мудир бўлиб ишлайди. Лекин шу пайтда ҳам у маданий-маърифий ишларни давом эттиради. 1923 йил маориф шўъбаси Ибодийга иккинчи босқич ўзбек мактабини ташкил қилиш вазифасини топширади. Бу ишни у муваффақият билан бажаради⁷⁰.

Фидоий инсон «халқ душмани» тамғаси билан 1937 йил 10 сентябрда ҳибсга олинди. Ҳибсга олиниш арафасида у Қўқондаги 1-болалар уйи интернатининг директори ва ўқитувчиси бўлиб ишлар эди.

1937 йил 27 ноябрда Ўзбекистон ССР Ички Ишлар Халқ Комиссарлигининг «Учлик» комиссияси А. Ибодийни ўн йил хат олмаслик шарти билан меҳнат тузатиш лагерига жўнатиш юзасидан ҳукм чиқарди.

Ички Ишлар Халқ Комиссарлигининг 1947 йил 25 февралдаги хабарномасида Абдулваҳҳоб Ибодийни 1942 йил 3 июлда вафот этганлиги қайд этилган.

КПСС XX съезидан сўнг шахсга сиғиниш йиллари қурбонларини оқлаш жараёнида А. Ибодий ҳам оқланди.

⁶⁹ Ўз МДА, 47-И фонд, 1- рўйхат, 1148-иш, В.139.

⁷⁰ Раимова Г. Маърифат фидойиси //Ўқитувчилар газетаси.-1989.-4 фев.

Фарғона вилоят судининг 1956 йил 16 октябр қарори билан Ўзбекистон ССР ИИХК «Учлик» комиссиясининг 1937 йил 27 ноябр қарори бекор қилинди. Маърифат фидойисининг номи қайта тикланди. Бугунги кунда Қўқон шаҳридаги № 12 сонли болалар уйи унинг номи билан юритилмоқда.

XX асрнинг бошларида фаолият кўрсатган Наманганнинг машҳур жадидларидан бири Дадамирза қоридир. Дадамирза қори ҳаёти ҳақидаги маълумотлар ҳозирча жуда кам аниқланган. Аммо шу нарса яхши маълумки, ўша даврда Наманганда Исҳоқхон Ибрат, Мамажон Муродов, Хусайн Макаев, Сўфизода, Обиджон домла, Зайниддин қори ва бошқа тараққийпарварлар томонидан очилган янги усул мактаблари орасида Дадамирза қорининг ҳам мактаби алоҳида аҳамиятга эга.

Наманганда дастлабки жадид мактаби Исҳоқхон Ибрат томонидан очилди. 1910 йили таниқли маърифатпарвар Хусайн Макаев ҳам Наманган шаҳрида янги усул мактабини очди. Аста-секин бундай мактаблар сони орта бориб, 1913 йилга келиб Наманган шаҳрининг ўзида уларни сони 4 тага етади. Шулардан бирининг асосчиси Дадамирза қори эди. Ўша даврда шаҳарнинг асосий кўчаларидан бири Қўқон кўчаси бўлиб, кўчадаги «Сирли масжид» деб номланувчи масжид ҳовлисида Дадамирза қори томонидан икки синфли янги усул мактаби ташкил этилди. Мактаб шаҳарнинг энг гавжум марказий қисмида жойлашган эди. Мактабда 3 кишидан иборат муаллимлар жамоаси ўқувчиларга турли

фанлардан сабоқ берганлар. Дадамирза қори она тили ва географиядан, Ортик исмли ўқитувчи ҳисобдан, Мамажон Муродов эса бошқа фанлардан дарс берганлар. Унинг мактабида табиий фанларга алоҳида эътибор берилган. Масалан, география фани ҳафтада икки марта бўлган.

Янги очилган бундай мактаблар ва уларнинг муаллимлари полиция маъмурларининг доимий назорати остида бўлганлар. Бундай кузатувлардан Дадамирза қори ва унинг мактаби ҳам четда қолмади. Миршаблар унинг мактабини тез-тез тинтув қилиб туришар, географияга доир ўқув хариталарини, баъзан эса, ўқитувчиларнинг ўзларини ҳам маҳкамага олиб кетишар эди.

1914 йилнинг 14 майида Дадамирза қорининг янги усул мактабида омма кўз олдида ўқувчилардан очиқ имтиҳон олинади. Шогирдлар барча фанлардан имтиҳонларни муваффақият билан топширадилар. Бу эса унинг мактаби обрўсини халқ орасида янада ошишига сабаб бўлади⁷¹.

Дадамирза қори қалами ўткир, ҳозиржавоб қаламкаш ҳам эди. У долзарб мавзуларни ўз ичига олган мақолаларини «Садойи Фарғона» газетаси сонларида чоп эттириб турди. Унинг «Мифтоҳ ул-аввал» номли дарслиги ҳам бўлиб, янги усул мактабларида ундан фойдаланилган⁷².

«Шўро» журнали ўзининг 1912 йил № 23 сониди, бошланғич мактабларнинг мақсад ва вазифалари, улардаги

⁷¹ Наманганда имтиҳон //Садойи Туркистон.-1914.-28 май.

⁷² Наманган вилоят Давлат Архиви. 796-фонд, 1-рўйхат, 26-иш. Б.5.

муаллимлар ва дарсликлар ҳақида бир неча саволлар билан ўз муштарийларига мурожаат қилади. Ушбу саволларга Дадамирза қори ҳам жавоб йўллаб, янги усул мактаблари моҳиятини очиб берган ҳолда, маориф ислоҳига оид ўзининг қимматли фикрларини беради: «...бошланғич мактабнинг мақсади-инсонни Қуръонда тасвирланган инсон каби тарбиялаш ва натижада динимизнинг сақланиб қолиниши ҳамда миллатимизнинг мавжудлигини таъминлайдиган асосларини яратмоқдир...»⁷³. Шунингдек, у дарсликлар масаласида ҳам тўхталиб, бу борада ягона тартиб жорий қилиш фикрини олға суради.

Дадамирза қори мактаб ва таълим ислоҳи ҳақидаги ўз фикрларини «Садойи Фарғона» газетасидаги мақолаларининг бирида давом эттириб, ўз қарашларини атрофлича баён этади. У ўзининг мақоласида: « бизга нима керак?», -деб савол берилса, кишилар жуда кўп ҳисобсиз керакларни айтадилар, ҳар қанча айтсалар ҳақлидирлар, аммо менинг фикримча: «...ҳамма кераклардин ортуқроқ керак мактабдур...», - дейди⁷⁴.

У бу мақоласида ўлкадаги мавжуд ўқув тизими, мактабларнинг аҳволи, аҳолининг илмга муносабати, илмсизликнинг тараққиётга кўрсатаётган салбий таъсирини кўрсатиб ўтган ҳолда, мактаблар ислоҳи давр талаби

⁷³ Шўро.-1912.-№ 23.

⁷⁴ Дадамирза қори. Ҳозирда янги ва эски мактабларимиз ҳолидан //Садойи Фарғона.-1914.-25 май.

эканлигини исботлаб беради: «...Шунинг учун бўлса керак, бир мактаб боламизни ўндан бири аҳли савод бўлиб қолмиш, тўққиз ҳиссаси авом қолмоқда. Илм деган азиз ва шарофатлик нарсдан маҳрум қолмоқда ва жаҳолат қурбони бўлуб ислом кишисини бошқаларга масҳара қилдурмакдадур...»⁷⁵. Шу боис, Дадамирза қори ислохотни мактабдан бошлашни таклиф қилади. Унинг фикрича, инсонга илмга, санъатга ва адабиётга интилиш учун қобилият берилган. У: «Илм-маърифат маълум бир кишилар учунгина керак, барча омманинг илмли бўлиши шарт эмас», - дегувчиларнинг фикрига кескин қарши чиқади.

Дадамирза қори нафақат мактаб-маориф, балки маиший турмуш масаласига ҳам алоҳида эътибор берар эди. Фарғона жадидларининг нашр афкори бўлмиш «Садойи Фарғона»да унинг «Араққа тутилмиш оқчалар» номли мақоласи эълон қилинган. Ичкиликни кишиларнинг иқтисодий аҳволи, жамиятнинг маънавий муҳитига салбий таъсирини яхши тушуниб етган ҳолда, Дадамирза қори ҳам ушбу мавзунини долзарб санаб, ўз мақоласида бу хусусида алоҳида тўхталиб ўтади. У ёзадики, бошқа миллат вакиллари кеча-кундуз тинмай ўз миллатлари истиқболи йўлида ҳаракат қилганлари ҳолда, бизнинг йигитларимиз «...минглаб чойхона ва фойдасиз ўринларда азиз умрларин чиритиб...» миллат

⁷⁵ Дадамирза қори. Ҳозирда янги ва эски мактабларимиз ҳолидан //Садойи Фарғона.-1914.-25 май.

йўлида дадил сайи-ҳаракат қилмаганликларидан: «...Ҳануз биз мактаб масъаласин ҳал қила олмаймиз...»⁷⁶.

Дадамирза қори тўйлардаги ортиқча исрофларни ҳам ушбу мақоласида қаттиқ танқид қилади. Европа молларига бўлган талаб боис, миллий ҳунармандчиликнинг таназзулга юз тутаётганидан қаттиқ ҳавотирда эканлигини баён қилади. У кишиларни огоҳликка, ҳар бир имкониятдан маърифат йўлида фойдаланишга даъват этади: «..Агар шундай ғафлатда бир мунча вақт қолсак бошимизга қандай қора кунлар келғусидур»⁷⁷.

Наманганнинг пешқадам тараққийпарвар уламоларидан бири Саййид Носирхонтўра Камолхонтўраевдир. У 1871 йил Наманганда зиёли оилада таваллуд топади. Унинг отаси Саййид Ғозихон Наманганнинг энг кўзга кўринган мударрисларидан бири бўлиб, шариат қозиси лавозимида ишларди. Наманганда Ғозихоннинг ўз босмаҳонаси бўлиб, унда ислом динига оид бўлган илмий, фалсафий асарларни чоп эттиради.

Саййид Носирхонтўранинг илғор фикрли киши бўлиб етишишида оиладаги маънавий муҳитнинг таъсири катта бўлди. Носирхонтўра мадрасадаги ўқишини тамомлагач, чет мамлакатларга таҳсил олиш учун чиқиб кетади. Бағдод,

⁷⁶ Дадамирза қори. Аракқа тутилмиш оқчалар //Садойи Фарғона.- 1914.-4 окт.

⁷⁷ Дадамирза қори. Аракқа тутилмиш оқчалар //Садойи Фарғона.- 1914.-4 окт.

Дехли, Ҳижоз ва Кобул шаҳарларида таҳсил кўрди, ислом асосларини янада чуқурроқ ўрганиб, 1912 йил яна ўз Ватанига қайтиб келади.

У чет мамлакатларда яшаган вақтида мамлакатнинг тараққиёти учун қизиқа бошлади. Техрон ва Ҳижоз каби шаҳарларда содир бўлаётган кескин сиёсий ўзгаришлар, Туркиядаги Ёш турклар ҳаракатидан қаттиқ таъсирланади. Ўша пайтлардаёқ унинг қалбидан Ватани Туркистоннинг равнақи ҳақидаги фикрлар муҳим ўрин олган эди. Наманганга қайтгач, шаҳар қозиси лавозимида ишлади. Отасининг босмаҳонаси орқали Фарғона жадиidlарининг ислохотчилик ғояларини тарқатишда ёрдам берди. 1916 йил Ўзган, Косонсой ва Наманганда бўлиб ўтган халқ кўзғалонларини ҳам қўллаб қувватлади.

1917 йил феврал инқилобидан кейин Носирхонтўра ижтимоий-сиёсий фаолиятида кескин ўзгаришлар бошланди. Туркистондаги демократик жараёнларда унинг алоҳида ўз ўрни бор. У 1917 йил 10-апрелда бўлиб ўтган Туркистон Ўлкаси Ижроия Комитетлари делегатларининг съездида иштирок этиб, аҳолининг барча табақаларини, барча миллатларни қўлга киритилган озодликни асраб қолишга, хуррият берган имкониятлардан унумли фойдаланишга даъват этади⁷⁸. Туркистон Мухториятининг асосий

⁷⁸ Протоколы Съезда делегатов Исполнительных Комитетов Туркестанского Края.-Тошкент: Тип-я Туркестанских ведомостей,1917.-№ 2.-С. 6.

ташкilotчиларидан бири айнан Носирхонтўра эди. Атоқли жаид Ашурали Зохирийнинг берган маълумотларига кўра, «...агар Носирхонтўра Туркистон мусулмонларининг IV-фавкулдда курултойини чақирш устинда жон куйдирмаганда эди, балким бу курултой чақирилмай қолиши мумкин эди...»⁷⁹.

У Кўқонда чақирилган ўлка мусулмонларининг IV-фавкулдда съезидда сайланган Миллий Мажлисга аъзо ва ҳукумат маориф нозири лавозимларига сайланади⁸⁰.

Ушбу лавозимда ишлаш жараёнида аҳоли орасида маданий-маърифий ишларни яхши йўлга қўйишга имкон қадар ҳаракат қилди. Мухторият ағдарилгач, Носирхонтўра ўзининг миллий-озодлик ғоясидан воз кечмаган ҳолда яширин фаолият кўрсатишга ўтди.

Миллий озодлик учун жанговар кураш олиб борган Фарғона истиқлолчиларининг ғоявий раҳнамосига айланди. У маҳфий равишда Омон Полвон, Мухийиддинбек, Жонибек қози ва Раҳмонкул кўрбошиларнинг фаолиятларини марказлаштириш ҳаракатида бўлди.

Носирхонтўра «Миллий Иттиҳод» ташкilotининг Наманган филиалига аъзо бўлиб, бу ташкilotнинг ячейкасини Косонсой шаҳрида ташкил қилади.

⁷⁹ Эрктурк. М.Х. Сайид Носирхонтўра //Турон тарихи.-1994.-№3.-Б. 21.

⁸⁰ Агзамходжаев С.С. Из истории борьбы за автономию Туркестана. Туркистон мустақиллиги ва бирлиги учун кураш саҳифаларидан.- Тошкент: Фан, 1996.-С.32.

Шермухаммадбек Носирхонтўрани ўзига пир деб эълон қилган ва ушбу марказдан доимо Фарғонадаги совет қўшинларининг аҳволи тўғрисида маълумотлар олиб турган⁸¹.

Лекин унинг бу фаолияти узоққа чўзилмади. 1919 йил большевиклар уни Туркистон Мухториятининг Маориф Нозири бўлганлиги учун қамоққа олдилар. 1924 йил қамоқдан қайтиб келгач, кўп ўтмай уни Советларга қарши фаолияти учун яна қамоққа оладилар ва Оренбургга 5 йилга сургун қилдилар.

1938 йил июл ойининг бошларида уни Советларга қарши фаолияти учун яна ҳибсга оладилар. Шу йилнинг 3-сентябрида маорифчи, диний олим, тарихчи, сиёсатчи, миллатпарвар сиймо Саййид Носирхонтўра Андижон турмасида вафот этди⁸².

Саййид Носирхонтўра каби барча фарғоналик жадид намояндалари миллатни тараққиёт сари бошлаш учун турли йўналишларда фаол ҳаракат қилдилар. Халқни зулматдан қутқаришнинг турли йўллари изладилар. Бу борада улар мактаб-маориф, театр, адабиёт, матбуотдан кенг фойдаланишга, сиёсий ташкилотлар тузиб, ўлканинг сиёсий ҳаётида фаол иштирок этишга уриндилар.

⁸¹ Ражабов Қ. Жадидлар-истиклолчилик ҳаракатининг ғоявий раҳнамолари. Ўзбекистон тарихи: янги нигоҳ. Жадидлар ҳаракатидан миллий мустақилликка қадар.-Тошкент: Элдинур, 1998.-Б.13.

⁸² Эрктурк. М.Х. Кўрсатилган манба, Б.22.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Фарғонадаги жади́дчилик ҳаракатининг илғор намояндаларини ижтимоий-сиёсий фаолият нуқтаи назаридан 4 та катта касбий йўналишга ажратиш мумкин:

Биринчи йўналишга жамият ижтимоий-сиёсий ҳаёти билан алоқада фаолият кўрсатган жади́длар гуруҳи киради. Обиджон Маҳмудов, Аҳмадбекҳожиги Темурбековларни ушбу гуруҳ вакилларига мисол қилиб келтириш мумкин. Улар бевосита жади́д мактаблари очиш билан шуғулланмаганлар, бироқ мактабларнинг моддий таъминоти, газета-журналлар нашр этиш, китоб чоп этиш, босмаҳоналар очиш, жамият ва ташкилотлар тузиш билан шуғулланганлар. Бу гуруҳга Миркомилбой Мирмўминбоевни ҳам киритиш мумкин. Баъзи ўринларда Миркомилбой Мирмўминбоевни жади́длар билан зиддиятларга борганлиги хусусида ҳам фикрлар билдирилади⁸³. Бироқ, бу келишмовчиликлар сиёсий ва миллий манфаатлар борасидаги зиддиятлар даражасида бўлган эмас. Архив ҳужжатларининг гувоҳлик беришича, Миркомилбой Андижон «Шўрои Исломия» сининг ҳам аъзоси бўлган. Шу билан бирга у Андижон шаҳрида халқ манфаати йўлида ўз ҳисобидан шифоҳона, мактаб, мадраса, дўконлар, ҳаммомлар ва бошқа турли хил маданий-маиший муассасаларни барпо этмоқчи эканлигини маъмуриятга

⁸³ Аҳмад Заки Валидий (Тўғон) Хотираларим //Шарқ Юлдузи.-1993.- №7-8.-Б.165.; Фойиқа Сулаймон қизи. Чўлпон акамни хотирлаб //Фан ва Турмуш.-№2.-Б.18-19.

маълум қилади. Лекин рус маъмурияти унинг бу хайрли ишларини амалга ошишига йўл бермайди. Бу гуруҳга Миркомилбой Мирмўминбоев билан бир қаторда жадинларга фақат ҳомийлик қилган, лекин сиёсий жараёнларда иштирок этмаган сармоядорлар ҳам киради. Булар: Эрали Мингбоши (Ўш уезди Қуршоб волостининг бошқарувчиси), Муллабойхожи афанди, Исҳоқжонбой Мирсолиҳбой ўғли, Мирза Ҳамдам Оғаликуф (Наманган), Маҳмуд Сиддиқбой (Ўш), Тожиддинбой (Қўқон) ва бошқалар.

Иккинчи йўналишга жадин адабиёти, хусусан, драматургияси ва театри вакиллари, публицистлар киради. Бу гуруҳ вакиллари асосан халқни илм-маърифатга, тараққиётга тарғиб қилувчи шеърлар, пьесалар, драмалар ёзганлар, уларни сахналаштирганлар. Бу йўналиш вакиллари публицистик фаолият билан шуғулланганлар, илмий ва бадий асарлар чоп этганлар. Улар орасида мактаб-маориф ишлари билан шуғулланиб, бир қатор дарсликлар нашр эттирган тараққийпарварлар ҳам бор. Ушбу йўналиш вакилларига Ҳ. Ҳ. Ниёзий, Чўлпон, Сўфизода, И. Иброт, Мулло Мусобек Абдуллоҳбек ўғли, Ашурали Зоҳирӣ, Яҳё қори, Лутфулла Олимӣ, ва бошқалар киради. Бу йўналишнинг шундай вакиллари борки, улар асосан жадин сахна асарларида турли ролларни ижро этиш билан фаолият олиб борганлар. Масалан: Наимжон афанди, Тошхўжа Эшон Ашурхожи ўғли (Наманган) ва бошқаларни кўрсатиб ўтиш ўринлидир.

Учинчи йўналишга фақат мактаб-маориф ишлари билан шуғулланган, шу мактаблар учун дарсликлар ёзган жаид муаллимлари киради. Улар Абдулвахҳоб Ибодий, Дадамирза қори, Зайниддин қори, Муҳаммаджон Ҳолиқий, Шокир Мухторий, Обиджон домла, Хўжахон Мансурхўжа ўғли, Хусайн Макаев, Салоҳиддин Мажидий, Шамсиддин домла ва бошқалар. Жаид муаллимлари бошқа ҳудудлардаги янги усул мактабларининг муаллимлари билан ҳамкорлик қилиб, ҳатто уларни ташкил этилган янги мактабларга муаллимликка таклиф этганлар.

Тўртинчи йўналишни тараққийпарвар уламолар гуруҳи ташкил қилади. Улар ўзларини «жаид» деб атамаган бўлсаларда, усули жаид мактабларининг фаолиятини бевосита қўллаб қувватлаганлар ва ўз вақтида уларни ҳимоя ҳам қилганлар. Бу гуруҳ вакиллари сифатида Саййид Носирхонтўра, Отабек қози, Камолхон қози ва бошқаларни мисол қилиб келтириш мумкин. Масалан, Камолхон қози Қўқоннинг машҳур уламоларидан бўлиб, янги усул мактабларининг имтиҳон мажлисларида иштирок этган ва бу мактабларни қўллаб-қувватлажани билдирган. 1900 йил Андижонда Азим Қодиров мактабидаги имтиҳон Отабек қози иштирокида бўлиб ўтади. Камолхон қози 1913 йилда Қўқоннинг Мисгарлик маҳалласида жаид мактаби учун икки қаватли махсус бино қуриб беради. Бу бино ҳозир ҳам бор.

2.2. Жадидларнинг маърифатпарварлик фаолияти

Фарғона жадидлари ҳам ўлкадаги бошқа тараққийпарварлар қатори ўзларининг дастлабки фаолиятларини маърифатпарварликдан бошлаган эдилар. Ватанни озодликка, миллий мустақилликка етаклашдек муқаддас ғоя энг илғор қарашли жадид зиёлиларнинг фикрида бўлгани ҳолда, мавжуд шароитда уни амалга ошириш мушкул эди. Унга фақат тинимсиз маърифий-сиёсий фаолият орқалигина эришиш мумкин эди. Жадидлар юрт истиқлолини ва тараққиётини замонавий билимлар билан қуролланган етук мутахассисларсиз тасаввур эта олмаганлар. Шу мақсад йўлида ўтган аср охирларида жадидлар бутун Туркистонда, хусусан Фарғона водийсида ҳам янги усул мактаблари очиш зарурлигини англадилар ва уларни ташкил этиш учун ҳаракат бошладилар.

Шундай мактабларнинг ташкил топишига бир томондан чор маъмурлари, иккинчи томондан ижтимоий воқеликка ўзининг тор дунёқараши нуқтаи назардан баҳо берувчи кишилар тўсқинлик қилдилар.

Туркистон халқлари турмушидаги ҳар бир янгилик мустамлакачи маъмурлар назаридан четда қолмаган, албатта. XX аср бўсағасида ўлкамизда янги усул мактабларининг пайдо бўлиши ҳам уларни ғоятда ташвишга сола бошлади.

Ўша даврда чоп этилган рус тилидаги газета ва журналларда маҳаллий халқларнинг маориф тизими, янги ва эски мактаблар масалаларини ёритишга кенг ўрин берилган.

Туркистон босиб олингач, бу ерда мустамлакачилар ўзларининг рус-тузем мактабларини оча бошладилар. Халқ маорифи соҳасида ҳукумат рус-тузем мактаблари билан ёнма-ён, янги усул мактабларининг пайдо бўлиши сира кўз юмиб бўлмайдиган ҳол эканлиги, бу мактаблар замон талаблари асосида келиб чиққанлигини «Туркестанские ведомости» газетасининг 1909 йил 1-сонида таъкидлаб ўтилади⁸⁴.

Эски усул мактаблари болаларга асосан диний тарбия бериш билан чекланганлиги, замонавий илм-фанларнинг ўқитилиши бу мактаблар учун ёт ҳодиса эканлигини ва шу сабабли ҳам бу мактаблар мустамлакачилар учун унчалик хавф туғдирмаслигини чор маъмурлари яхши тушуниб етган ҳолда, янги усул мактабларига жиддий эътибор қарата бошладилар. Шу сабабли ҳам Туркистонда мактаб ишларини асосий вазифалардан бири бўлиши керак деб билдилар: «..Дарс бериш услубларига кўра, дастурлар бўйича ва бутун тузилиши бўйича бу янги мактаблар ҳаёт талабларига нисбатан жавоб беради...Бу янги усул мактаблари асосий эътиборга лойиқдир...Улар халқ турмушига кира бориб, ерлиларни кўзғолтиради ва уларни қоқоқликдан чиқаради»⁸⁵.

Туркистон ўлкаси ўқув юртлари бош назоратчиси О. Керенский 1909 йил 12 январда ва 1910 йил 27 январиди Фарғона вилояти харбий губернаторидан янги усул

⁸⁴ Туркестанский сборник.-Том 497.-С. 97.

⁸⁵ Туркестанский сборник.-Том 545.-С. 210.

мактаблари, уларнинг очилиш сабаблари, қачон ва кимлар томонидан очилгани ҳақида маълумот беришни сўрайди⁸⁶. Фарғона вилоят ўқув юртлари инспектори Ф. Егоров Туркистон ўлкаси ўқув юртлари инспекторига бундай мактаблар дастлаб рухсатсиз ва яширин суратда очилганлиги ҳақида маълумот беради. Шу билан бирга у бу мактабларнинг ёпилиши ёки фаолиятининг таъқиқланиши маҳаллий аҳоли орасида кескин норозиликнинг келиб чиқишига олиб келиши мумкинлигини таъкидлаб ўтади. Янги усул мактабларининг ёпиш учун қонуний асос бўлмаганлиги сабабли, улар учун алоҳида дастур ва қонун ишлаб чиқишни таклиф қилади.

Айрим адабиётларда Фарғона вилоятидаги дастлабки янги усул мактаби сифатида Исҳоқхон Жунайдуллохонхўжа ўғли (Ибрат)нинг мактаби эслатилади⁸⁷. Исҳоқхон Ибрат (1862-1937) 1878-1886 йиллари Қўқоннинг Муҳаммад Сиддиқ Тунқатор мадрасасида таълим олади. Ўша кезлари у Боғчасаройда нашр этиладиган «Таржумон» газетаси сонлари билан ҳам мунтазам танишиб турган. Ушбу нашр орқали у янги усул мактабининг афзалликлари, таълим усуллари, дарсхоналарнинг тузилиши ва дарсликлари ҳақида маълумотлар олиб борган. Мадрасани тамомлагач, 1886 йил

⁸⁶ Ўз МДА, 19-И фонд, 1- рўйхат, 35019-иш, В. 2.

⁸⁷ Долимов У. Исҳоқхон Ибрат.-Тошкент: Шарқ, 1994.-Б.11; О.Носиров, М. Маъмуров. Ўзбек адабиётининг муҳим саналари.- Наманган: Наманган давлат университети, 1993.-Б.124; Педагогика тарихи.-Тошкент: Ўқитувчи, 1996.-Б.280.

Тўрақўрғонга қайтади ва товуш усулига асосланган янги мактаб очади. Лекин мактаб тез орада ёпиб қўйилади. У 1907 йилга келиб, иккинчи бор мактаб очади. Унинг мактабида Европа тилларидан ҳам дарслар ўтилган.

Янги усулдаги мактаб хоналарининг ички тузилиши, эски мактаблардан парта, ёзув тахтаси, географик харита ва ўқитувчи учун стол-стулнинг борлиги билан ажралиб турган. Мактабларда болалар 2-3 йил ўқишни давом эттирганлар. Усули савтия мактаблари эски усул мактабларидан таълимнинг сифати билан ҳам фарқ қилган. Бу эътирофлар ўша давр матбуотида ҳам ўз аксини топган. Масалан, Андижондаги Азим Қодиров мактаби 3 синфли бўлиб, 1 чи синфда болаларга ўқиш ва ёзиш, 2 чи синфда тажвид, ҳисоб, 3 чи синфда эса ибодати исломия, сарфи туркий ўргатилган. 1900 йил май ойида Отабек қози иштирокида ушбу мактаб ўқувчиларидан имтиҳон олинган. ўқувчилар имтиҳонларни муваффақиятли топширганлар. Имтиҳон иштирокчиларидан Тожиддинбек Отабеков ёзганидек: «...Эски замон мактаблари бирлан усули жаид мактабини фарқи ниҳоят даражада маълум ва равшан бўлди. Усули жаид мактаби бирлан эски замон мактабларини бир жойга бормоқ учун оташ ароба бирлан пиёда одимга мисол қилсак ҳам тўғридур...»⁸⁸.

Илғор фикрли кишиларнинг сайи-ҳаракатлари билан ҳам кўплаб янги мактаблар очилган. Баъзан муаллимлик учун

⁸⁸ Тожиддинбек Отабекуф. Андижонда мактаб усули жаид ва имтиҳон //Туркистон вилоятининг газети.-1900.-27 май.

четдан кишилар таклиф этилган. Масалан, Ўш уездига қарашли Қуршоб қишлоғида қишлоқ бошқарувчиси Эрали Мингбоши 1914 йил январ ойида янги усул мактаби очиб, Тошкентдан Ғулом Зафарийни муаллимлик учун олиб келади⁸⁹.

Қўқон, Наманган, Андижон, Ўш, Марғилон каби йирик шаҳарларда жадид мактаблари бўлгани ҳолда, кичик шаҳар ва қишлоқларда ҳам мактаблар очила бошлади. Масалан, Шаҳрихонда 1914 йили 3 та усули жадид мактаби бўлиб, шундан 2 тасида қўқонлик муаллимлар, 1 тасида эса шаҳрихонлик Хўжахон Мансурхўжа ўғли дарс берганлар⁹⁰.

Усули савтия мактаблари сонининг ортиб бориши уларни дарслик ва бошқа ўқув қўлланмалари билан таъминлаш муаммосини келтириб чиқарди. Бу вазифаларни ҳам янги мактаб муаллимлари ўз зиммаларига олдилар. Фарғона тараққийпарварларидан А. Ибодийдан бошқа яна А. Зоҳирий ҳам 1916 йили «Имло» китобини ёзди ва китобни Қўқондаги «Ғайрат» кутубхонаси томонидан нашр эттирди⁹¹. Ҳ. Ҳ. Ниёзий эса, мактаблар учун «Енгил адабиёт», «Ўқиш китоби», «Қироат китоби» каби китобларни ёзади⁹². Шунингдек, Наманган тараққийпарварларидан Дадамирза

⁸⁹ Махмуд Ийсо Эрализода. Қирғизлар ичида тараққий асри //Садойи Туркистон.-1914.-18 июл.

⁹⁰ Яҳё қори. Шаҳрихонда усули жадид мактаби //Садойи Фарғона.-1914.-16 май.

⁹¹ Узоқов Ҳ. Ашурали Зоҳирий //Гулистон.-1968.-№10(22).-Б.28.

⁹² Баратов М. Ўзбекистонда маърифат учун кураш тарихидан.-Тошкент: Фан, 1961.-Б.95.

қори ҳам «Мифтах ул-аввал» деб номланувчи дарслик ёзган эди⁹³.

Янги усул мактабларидаги ўқитувчиларнинг кўпчилиги мадрасаларда таҳсил олган бўлиб, баъзилари эса худди шундай мактабларни тамомлаган кишилар эдилар. Дарслар ўқув жадвали асосида, цензура кўригидан ўтган дарсликлар бўйича олиб борилган. ўқувчилар сони 50 тадан 145 тагача етган. Барча мактабларда ҳар ойига ўқиш учун 50 тийиндан 1 сўм 50 тийингача ҳақ олинган. Камбағал оилаларнинг болалари эса баъзан тўловдан озод этилганлар.

Бизга маълум архив ҳужжатларида кўрсатилишича, 1914 йилгача юқоридаги мактаблар ва улардаги ўқитувчилар устидан инспекция ва маъмуриятга шикоятлар келиб тушмаган. Ўқув инспекцияси томонидан давлат тилини бу мактабларда ўқитиш тавсия этилган.

Янги усул мактабларида табиий Фанларнинг ўқитилиши чор маъмурларини ғоят ташвишга солди. 1913 йилгача бу мактабларда табиий Фанлар ўқитилмаган бўлиб, уни ўқитиш инспекциянинг рухсатсиз амалга оширила бошлаган. Шу сабабли ўқув инспекцияси томонидан табиий Фанлар муаллимларидан бу Фанларни ўқитиш учун махсус рухсат олиш талаб қилинган ёки уларга бу Фанлар бўйича дарс беришни таъқиқлаш масаласига эътибор қаратилган⁹⁴. Бу вақтга келиб янги усул мактаблари ўзининг кенг

⁹³ Наманган вилоят давлат архиви. 796-фонд, 1- рўйхат, 26-иш, Б.5.

⁹⁴ Ўз МДА. 47-И фонд, 1- рўйхат, 1148-иш, В.139.

кўламлилиги, ўқитиш сифати билан эски усул мактабларидан устин бўлиб, маҳаллий аҳоли ишончини қозонган ва ҳукумат рус-тузем мактабларига нисбатан ерли халқ ҳаётига тезроқ кира бошлаган эди.

Империя манфаатларини кўзлаб, ўлкада рус ва маҳаллий халқ болалари учун ташкил этилган рус-тузем мактаблари замирида босқинчиларнинг ғаразли мақсадлари ётар эди. Ўлкадаги дастлабки рус-тузем мактаблари «...Улкан руслаштириш режасини амалга оширишда мактаб катта аҳамият касб этиши лозим» деган нуқтаи назар билан иш тутувчи генерал-губернатор Розенбах даврида очилди⁹⁵. Илғор зиёлиларимиз ўша даврдаёқ бу маккорона сиёсатни тўғри англаб етган эдилар. Бундай мактабларни Исмоилбек Гаспирани ҳам ўз вақтида танқид қилган бўлса, М. Бехбудий: «...Русский-туземний мактабларига ўқиғонлар зиёли тугул, ҳиёли ҳисобланмайдурлар. Улар фақат русча чаласавод кишилардир»⁹⁶, - деган эди.

Туркистон жадиждларининг раҳнамоси кейинчалик бу мактабларнинг очилишидан кўзланган мақсадларни бундай изоҳлаган эди: «... Эски ҳукумат зоҳиран бизни маданий қилмоқ учун «русско-туземний» исминда бизнинг учун мактаблар очиб ўз фаҳмларинча бизни дунё ва охиротнинг бахти, яъни носорон (хрестиян) келтурғон миссионерларга

⁹⁵ Ризаев Ш. Жаид драмаси.-Тошкент: Шарқ, 1997.-Б.38.

⁹⁶ Бехбудий М. Эҳтиёжи миллат //Туркистон вилоятининг газети.-1909.-2 окт.

топширдилар. Бу мактабларга зоҳиран мусулмон муаллимидан таъйин этиб, унга 15 сўмдан 25 сўмгача вазифа берардилар. Албатта, бу пулга ҳеч муқтадир киши муаллимлик қилмас эди. Дигар бошқа тарафдан хуфия ва приказлар ила бу мактаблардаги мусулмон болаларини оз таълим бермоқга ва бақадри имкон умрини зое ва ўзини ҳайвон қилмоқга фармойиш қилардилар...»⁹⁷.

Жадидлар даврий матбуотида ҳам рус-тузем мактабларига нисбатан аҳолининг қарашларини ифода этувчи мақолаларни учратиш мумкин: «...Искобелев уездига тобъе Олтиариқ қишлоғида биргина туземний шкўл бор. Лекин бу мактабнинг ўқитув жиҳати бутунлай тартибсиз...қариларни кўяйлик ёшлар ҳам бунга ҳеч бир диққат қилмайдурлар...айтур сўзлари шкўлга бола берсанг йўлдан озадур демакдин иборатдур...»⁹⁸.

20-йиллардаги айрим рус тарихчилари ҳам ушбу мактабларнинг асл моҳиятини очиқ баён этган эдилар: «...Рус-тузем мактабларининг ягона мақсади, мамлакат аҳолисининг маданий даражасини юксалтириш эмас, балки уни руслаштиришдан иборат эди...»⁹⁹.

Мусулмон ўқув юртларига қарама-қарши қўйилган рус-тузем мактаблари аҳолини озчилик қисми орасида бироз эътибор қозонган бўлишига қарамай, бу мактаблар ҳеч қачон

⁹⁷ М. Бехбудий. Бизга ислоҳат керак //Нажот.-1917.-17 апр.

⁹⁸ Олтиариқ аҳволи //Садойи Туркистон.-1914.-18 май.

⁹⁹ Алексеенков П. Кокандская Автономия /Революция в Средней Азии.-Тошкент: Изд. Правда Востока, 1928.- №1.-С.21.

оммавий бўла олмаслигини чор маъмурлари яхши англаб етган эдилар. Маорифчи Ф. Егоровнинг таъбирича, фақат миллий мактабларгина оммавий бўлиши мумкин, рус-тузем мактаблари эса миллий бўлмай, аксинча, сунъий ўйлаб топилгандир¹⁰⁰.

Фарғона водийсида татар муаллимлари ҳам янги усул мактаблари очиб, фаолият олиб борганлар. Мисол учун, Қўқоннинг Мир Аюббой маҳалласида Симбирск губерниясидан келган Салоҳиддин Сирожиддинович Мажидов мактаб очиб, 150 нафар ўқувчига, Исфара гузар маҳалласида Шокир Мухторов 40 нафар ўқувчига, Пенза губерниясидан келган Ҳабибулло Усмонов 120 нафар ўқувчига, Бек-бачча маҳалласида Тамбов губерниясидан келган Ориф Шокиров ўз мактабида 90 ўқувчига дарс берган. Барча мактабларда ойига ҳар бир бола ҳисобидан 1 сўмдан 5 сўмгача ҳақ олинган¹⁰¹.

Мустамлакачилар қандай қилиб бўлмасин, ўлка халқларини ташқи дунё билан алоқа қилишларига йўл қўймаслик, улар диққатини жаҳон миқёсидаги ўзгаришлардан четга тортишга ҳаракат қилар эдилар.

Туркистон генерал-губернаторининг маслаҳатчиси Киясбеков 1910 йили мактаб ва мадрасаларни текшириш жараёнида янги усул мактабларида татар муаллимларининг фаолият олиб бораётганликларини аниқлайди. Чунки

¹⁰⁰ Ўз МДА, 47-И фонд, 1- рўйхат, 1148-иш, В.137.

¹⁰¹ Ўз МДА. 47-И фонд, 1- рўйхат, 1004-иш, В. 70.

ғайрируслар учун бошланғич ўқув юртлари ҳақидаги 1907 йил 1 ноябр низомига кўра, мактабларда муаллимлар фақат маҳаллий миллат вакиллари ёхуд ерли халқ тилини яхши биладиган руслардан бўлиши лозимлиги таъкидлаб ўтилган эди.

Шу муносабат билан Фарғона вилояти ўқув юртлари инспекцияси томонидан Қўқон уезди бошлиғига махсус хат йўлланади. Унда ўқитувчилари татарлардан бўлган янги усул мактаблари ташкилотчиларига мазкур қонунни маълум қилиб, қонунга қатъий амал қилишга буюради. Акс ҳолда, уларнинг мактаблари ёпилишини маълум қилади¹⁰².

Кўпроқ вақтини болалар тарбиясига бағишловчи аёллар-оналарнинг илмий-маърифий савияси болани қай йўсинда камол топишига ўзининг улкан таъсирини кўрсатади, албатта. Шу боис маърифатни халқ орасига кенг ёйишнинг яна бир йўли, ўғил болалар билан биргаликда қиз болаларнинг таълим ва тарбиясига ҳам жиддий аҳамият бериш эди. Бу масала ҳам фарғоналик жадидлар назаридан четда қолмаган: «...эр болаларимизни қанча яхши тарбия қилсак ҳам келажак асрда она бўладурғон қизларимиз тарбия қилинмоғонда, биз ҳамон ярим жонликдан, мағлубчиликдан нажот топа олмасмиз. Чунки хотун демак, навъи башарнинг

¹⁰² Ўз МДА, 47-И фонд, 1- рўйхат, 35019-иш, В.73.

ярми демак бўлғонлиги учун хотунлар, қизлар тарбия қилинмаса, ярим миллат тарбиясиз қолади демак»¹⁰³.

Фарғона тараққийпарварлари маориф соҳасида асосий эътиборни бошланғич таълим ислоҳига қаратдилар ва алалхусус уларнинг маърифатпарварлик ҳаракатлари зое кетмади. Жадидлар томонидан ташкил этилган янги усул мактабларида таълим олган ўқувчилардан кейинчалик илм-фан, техника, адабиёт ва ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳаларида ном таратган арбоблар етишиб чиқдилар.

Жадидлар маърифатчилик фаолиятининг яна муҳим бир тармоғи - театр санъати эди. XX асрнинг 10-йиллари Туркистон маданияти тарихига янги ўзбек миллий театрининг ҳам вужудга келиш даври бўлиб киради. Миллатни маърифат нури билан уйғотиб, озодлик ва тараққиёт тантанасини орзулаган жадид зиёлилари, театрни ўз мақсадлари йўлидаги кучли омиллардан бири деб тушундилар. Миллатнинг нажотини маърифатда кўрган жадид тараққийпарварлари ўз қарашларининг кенг миқёс касб этишида театрнинг беназир аҳамиятини тобора чуқурроқ ҳис этиб бордилар. Қолаверса, спектакл намоишларидан тушадиган маблағ жойларда моддий қийинчиликдан қийналиб ва ёпилиб қолаётган «усули

¹⁰³ Мухторов Шокир. Яна тўй масаласи //Садойи Фарғона.-1914.- 8 июн.

жадид» мактабларини керакли ўқув анжомлари билан таъминлаш учун ҳам зарур эди¹⁰⁴.

Жойлардаги сахна ишларининг энг оддий тафсилотларидан тортиб то ташкилий, ижодий муаммоларигача «Садойи Фарғона» газетасининг саҳифаларида ёритиб борилди.

Туркистон театр санъатининг тўнғич сахна асари Маҳмудхўжа Бехбудийнинг «Падаркуш» драмаси эди. Бу асар Самарқанд, Тошкент ва бошқа шаҳарларда ижро этилгач, 1914 йилнинг феврал ойи охирларида муаллиф бошлиқ самарқандлик ҳаваскорлар ва маҳаллий ёшлар ҳамкорлигида Қўқонда ҳам сахнага қўйилади.

Театр орқали маърифат тарқатиш ғоясига эътибор қаратиб, Андижон жадидлари ҳам 1914 йилнинг 6 июнида «Падаркуш»ни сахнага қўйдилар. Асар муваффақият билан ижро этилди. Театрдан сўнг, тараққийпарвар ёшлар Абдулла Авлонийнинг «Ўқусун ёшларимиз» шеърини ўқиб, томошабинларнинг олқишини олганлар. Театр томошасидан тушган бир ярим минг сўм маблағнинг 20 фоизини шаҳарда қуриладиган қизлар гимназияси ҳисобига ўтказилган¹⁰⁵.

Маърифатпарварликнинг бу соҳаси водийда кенг қулоч ёза бошлади. Фарғона водийсининг кўпгина шаҳарларида жадидлар ташаббуси билан маҳаллий ҳаваскор ёшлар

¹⁰⁴ Ризаев Ш. Жадид драмаси.-Тошкент: Шарқ, 1997.-Б.84.

¹⁰⁵ Ашурали Зоҳирий. Андижонда мусулмонча театр //Садойи Туркистон.- 1914.-20 июн.

ижросида театр томошалари қўйилади. Жумладан, «Садойи Фарғона» газетасида хабар берилишича, 1915 йил 27 апрел куни Тошхўжа Эшон Ашурҳожии ўғли ташкилотчилигида Наманган шаҳри маҳаллий ёшлари ижросида театр томошалари кўрсатилган. Саҳнада ижрочилар ўз ролларини маҳорат билан ижро этиб, томоша сўнггида эса ёшлар миллий руҳдаги шеърларни жўр бўлиб айтганлар¹⁰⁶.

Тараққийпарварлар халқ оммасини миллий урф-одатларни асраб-авайлашга, маънавий-маърифий савиясини юксалтиришга чорладилар, ҳашамдор тўйлар, серҳаражат ва сермашаққат азадорлик маросимлари, тўй ва азаларни риёкорлик, дабдабабозлик билан ўтказишга жиддий равишда қарши чиқдилар. Масалан, «Садойи Фарғона» газетасида чоп этилган «Хатна тўйи» номли мақолада муаллиф баъзи кишиларнинг ўз моддий имкониятларини ҳисобга олмай манманликка берилиб тўй ўтказиб, сўнгга қарзга ботиб, ночор аҳволга тушиб қолганликлари, томоша ва улоқ ўйинлари учун қанча маблағ сарфлаб, қанча кишиларни ишдан қўяётганликларига эътиборни қаратади: «...Агар шул хатна тўйларимиздан мақсад: охиротда фойдаси тегадургон савоблик бўладургон бўлса: бу тариқа хайр-эҳсон қилмоқни охиротга фойдаси борму ва савоблик бўлурму?»¹⁰⁷.

¹⁰⁶ Мусофир. Наманганда мусулмонча театр //Садойи Фарғона.-1915.-15 май.

¹⁰⁷ Сайфиддин С. Хатна тўйи //Садойи Фарғона.-1914.-2 май.

Куз келиб деҳқонлар ҳосилни йиғиштириб олгач, дабдабалар билан бошланадиган тўй маросимлари, улардаги улоқ ўйинлари, исрофгарчиликлар, тўй қилувчиларнинг чор-ночор ҳолда бўлса ҳам томошалар бериши қаттиқ танқид остига олинади. Атоқли адибимиз Чўлпон ўзининг «Садойи Фарғона»даги мақолаларининг бирида тўйлардаги исрофгарчилик илгари бўлмагани, бу ҳолат сўнгги йилларнинг маҳсули эканлигини баён этган эди: «...Авваллари қандоғ яхши бўлса, сўнгги кунларда ва сўнгги йилларда кундан-кун орқага қараб қадам кўймоқдадур... Ул вақтларда бундоғ беҳуда исрофлик тўйлар ҳам бўлмас эди...»¹⁰⁸. Чўлпоннинг таъкидлашича, илгари деҳқонлар ёз бўйи ишлаб топган маблағларини бола-чақаси билан қиш ичи еб-ичар эдилар, бугун иқтисодий ночорликлари ёнига исрофлик тўйлар ҳам кўшилди деб изтироб билан ёзади.

Фарғона жадиidlаридан Исҳоқхон Жунайдуллахонхўжа ўғли Ибрат ўзининг мақолаларида тўйлардаги исрофгарчиликлар, ортиқча сарф-сурфлар, ёшларнинг илм олишдан кўра кўпқари, яъни улоқ чопишга бўлган ишқибозликлари ҳақида ўз мулоҳазаларини билдиради. У ўзининг «Туркистон вилоятининг газети»даги мақолаларининг бирида бу хусусидаги фикрларини кўйидагича баён қилади: «...Ҳали ҳам биз қадимги, эски ақидамизда маълумларки, сиқилуб ўз динимизга ҳаракат

¹⁰⁸ Чўлпон. Ватанимиз Туркистонда зироат ва деҳқончилик //Садойи Фарғона.-1914.-30 май.

қилмай, ақча топсак хою-ҳавас овлоқ тўйларга ўн минг сўм беҳуда исроф учун. қайси уламо буларга фатво берган ҳалол деб. Ҳалол деса бундан зарур ҳалоллар бор, улар қолибдур. Ҳеч кимда халққа насихат йўқ, бўлса ҳам қулоққа олмайдилар. Йигитлар эса кувкари ила юрадурлар...».

Бу мавзудаги фикрларини ривожлантириб, халқни ҳархил иллатлардан сақловчи куч-илм олиш эканлигини кўрсатади. У шундай деб ёзади: «...Бу аҳволи баъдларни, бу мараз дардни доруси илмдур... Илмсиз киши, асоссиз девор дегани. Асоссиз девор ғоятда беътибор бўлур. Илм ўқунг-ўкутунг ахлоқи фунун, замонага даркорлик илмлар зарур...»¹⁰⁹. Ибрат ушбу фикрлари билан замона ёшларини ўз даври дунёвий билимларидан ҳам тўлиқ хабардор бўлишга ундайди.

Жадидлар фақат танқид билан чекланмай, оммани бўлаётган ижобий, хайрли ишлардан ўрناق олишга, уларга эргашишга чақирганлар. Масалан, наманганлик мулла Исҳоқжонбой Мирсолиҳбой ўғлининг фарзандлари ҳатна тўйига ажратган маблағини катта қисмини мактаб қурилишига сарфлагани ҳақида «Садойи Фарғона» газетасида алоҳида хабар эълон қилинган. Наманганнинг зиёли, мўътабар бойларидан Мирзаҳамдам Оғаликуф оталари

¹⁰⁹ Письмо из Тюря-курғана //Туркистон вилоятининг газети.-1914.-2 март.

таъмир этган масжиддаги мактабни янги услубда қайта курмоқчи эканлиги мамнуният билан қўллаб-қувватланган¹¹⁰.

Фарғона жадиdlари шариат илмининг ҳам чуқур билимдонлари бўлганлар. Суннат номи берилиб, ҳилофи суннат ишлар қилинишини улар кескин танқид қилдилар. Газетадаги «Ҳамёнга зарарсиз хатна тўйи» мақоласида Қўқонлик савдо аҳлларидан Ҳожи Маҳмудхон ва Мулла Юсуфжон атторлар биргаликда 5-6 одамни чақириб, фарзандларини суннат қилганликлари баён этилиб, кишиларни улардан ибрат олишга чақирилади¹¹¹.

Жадиdlар маърифат ўчоқлари ҳисобланмиш масжид, мадраса, мактаблар хароб аҳволда эканлиги, уларнинг таъмири ҳам улкан савоблар қаторида эканлигини таъкидлайдилар: «...Мана ҳозирдаги замонда масжид, мадрасалар каби ибодатхоналаримиз, мактаб каби илм ва маърифатхоналаримиз хароба ҳолда, бунларни таъмири биноси ва ислоҳи учун сарф қиладургон зотлар йўқ ҳисобинда... тўй ишларига ўн, йигирма, ўттиз мингларини сарф қилганлари савоб бўлса, мактаб, мадраса, қироатхона ва шифохона кабиларга сарф қилинса, онинг савоби шундоқ хатна тўйининг савобига баробар бўлмасму?»¹¹².

Хулоса қилганда, Фарғона жадиdlари маърифатни омма орасида кенг ёйиш учун барча имкониятларни ишга

¹¹⁰ Асир. Наманган тўйларини ислоҳи ва мактаб //Садойи Фарғона.-1914.-20 апр.

¹¹¹ Ҳамёнга зарарсиз хатна тўйи //Садойи Фарғона.-1915.-2 апр.

¹¹² Сайфуддин С. Хатна тўйи //Садойи Фарғона.-1914.-2 май.

солдилар. Мактаб-маориф, матбуот, бадий асарлар, театр санъати орқали ўз ғояларини тарғиб қилдилар.

Жадидларнинг урф-одатларимиз, маросимларимизни ўтказиш, хайрли ишларни амалга ошириш ҳақидаги юқорида кўрсатиб ўтилган фикр-мулоҳаза ва сайи-ҳаракатлари ҳозирги кунимиз билан ҳамоҳанг ва долзарбдир.

2.3. Жадидларнинг Туркистон Мухториятини ташкил этишдаги иштироки

Россиядаги феврал инқилоби, 300 йилдан ортиқроқ ҳукмронлик қилган Романовлар сулоласининг тахтдан ағдарилиши ўлкадаги тараққийпарвар кучлар томонидан ҳам зўр хурсандчилик билан қарши олинди.

1917 йилда Туркистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги энг муҳим масалалардан бири, бу Туркистонда янги бошқарув усулидаги давлатчиликни ташкил этиш эди. Ўша тарихий шарт-шароитларда миллий давлатчиликка эга бўлиш ғояси турли ташкилот ва партияларнинг ўзаро курашида асосий қуролга айланган эди. Жадидларнинг интилишлари Туркистонда федерация асосида миллий-демократик давлатчиликни барпо этишга қаратилган эди. Жадидларнинг мухторият (автономия), давлатчилик тўғрисидаги ғоялари ўша пайтдаги Россияда мавжуд сиёсий-ижтимоий ва инқилобий аҳвол билан боғлиқ ҳолда шаклланиб келди. Улар мустамлака халқларнинг Россиядан бутунлай мустақил бўлиб чиқиб кетишларини ҳали кун тартибига қўёлмаган эдилар.

Чунки Россиядек қудратли империя чангалидан аста-секинлик билан, оқилона нозик сиёсат юргизиш орқали бутунлай мустақилликка эришиш мумкинлигини жадиждлар яхши англаганлар.

Маҳаллий илғор зиёлилар зудлик билан миллий жамият ва нашрлар учун ҳаракат бошладилар.

1917 йил март ойининг бошларида ўлка мусулмон зиёлиларининг «Шўрои Исломия» жамияти тузилди¹¹³. Бу ташкилотнинг вужудга келиши тасодифий бўлмай, балки Туркистон халқлари сиёсий фикрлари тадрижий ривожланишининг қонуний маҳсули эди. Унинг таркибини турли хил дунёқарашдаги, бироқ, миллий озодлик ғояларини ўзларининг асосий мақсади деб билган ўлка зиёлилари ташкил қилар эди.

Ушбу ташкилотнинг юзага келишида Туркистон жадиждлари муҳим рол ўйнадилар.

Тез орада турли шаҳарларда «Шўрои Исломия»нинг шўъбалари ташкил топди. 1917 йил 25 майда Қўқонда Фарғона вилояти мусулмонлари съезди бўлиб ўтди. Вилоят «Шўрои Исломия» ташкилоти ушбу съезднинг ташкилотчиларидан бўлди.

¹¹³ Нажот.-1917.-9 апр.

Андижон шаҳрида август ойининг бошларида мусулмон ҳунар аҳлининг «Санойи ул-ислом» шўроси тузилди. Унга 1500 киши аъзо бўлиб кирди¹¹⁴.

Шаҳар Думаси учун бўладиган сайловларга барча ташкилотлар томонидан қизгин тайёргарликлар кўрилди. 14-17 июл кунлари Андижонда уезд-шаҳар мусулмон ташкилотлари «Шўрои Исломия», «Муфтах ул-маориф», «Ҳаваскорони маориф» ва бошқаларнинг съезди бўлиб ўтди. Съездда 11 та масала кўрилди: яъни, Қозонда бўладиган Бутунроссия Мусулмонлари съездига делегатлар юбориш; Таъсис Мажлиси учун бўладиган сайловларга маҳаллий аҳолини тайёрлаш учун уездларга ташвиқотчилар юбориш; аҳоли рўйхати ҳақида, шаҳар Думаси сайловларида аёлларнинг иштироки ва ҳ.з¹¹⁵.

Бутун Туркистонда бўлгани каби, Фарғона водийсида ҳам жадидлар томонидан барча маҳаллий жамиятларни ягона ташкилот қилиб бирлаштириш ҳаракатлари давом этди. 12-14 июл кунлари Скобелев шаҳрида Фарғона вилоят мусулмон ташкилотлари вакилларининг навбатдаги съезди бўлиб ўтди. Ушбу съездда 137 делегат иштирок этди. Анжуман барча мусулмон ташкилотларини сиёсий жихатдан бирлашишга чақирди.

¹¹⁴ Норқулов Н. Мухториятнинг тугатилиши //Фан ва Турмуш.-1990.- №8.-Б.8.

¹¹⁵ Ўз МДА. 1760-фонд, 1- рўйхат, 24-иш, В. 26-27.

Ушбу съезднинг муҳим аҳамияти, «Турк Адами Марказияти» фирқасининг тузиш ҳақида қарор қабул қилиниши бўлди. Делегатлар тузилажак фирқанинг низомномаси ва маромномаси лойиҳаси билан қисқача таништирилдилар. Ушбу қонуний ҳужжатларни ишлаб чиқишда фарғоналик жадид ва уламолардан Камолуддин қози Раҳмонберди ўғли, Мулло Муҳиддин, Махдум аълам мулло Муҳаммад, Мулло Боқи Охунд домолло Одилбой ўғли, Мулло Нуриддин Аълам Йўлдошхўжа эшон ўғли, Мулло Муҳаммаджон Камолжонбоев, Мирзо Абдулқодирбек Мирзоаҳмад Қушбеғиев, Обиджон Маҳмудов, Миродил Мирзоаҳмад ўғли иштирок этдилар¹¹⁶.

Туркистоннинг кўплаб шаҳарларида янги партиянинг ташкилий йиғилишлари бўлиб ўтди. Жумладан, 23 август куни Андижонда «Хаваскорони маориф», «Турон», «Талабалар жамияти» ташкилотлари вакиллари томонидан «Турк Адами Марказияти» фирқасининг Муваққат қўмитаси тузилди. Унинг таркибига Хусан Эшонхўжа, Соҳиб афанди, Исроил Юсуфзода ва бошқалар сайландилар¹¹⁷.

20 августда Марғилон шаҳрида 2000 кишилик митинг бўлиб ўтди. Унда маҳаллий «Шўрои Исломия» ташкилоти фаоллари йиғилганларни шаҳарда федералистлар фирқаси шўъбасини тузишга чақирдилар.

¹¹⁶ Туркистонда халқ жумҳурияти //Фан ва Турмуш.-1990.-№7.-Б. 8.

¹¹⁷ Турон.-1917.-6 сент.

Тараққийпарвар зиёлилар томонидан ишлаб чиқилган фирканинг маромномасини ўлкада демократик кўринишдаги давлат қуришнинг назарий асоси эди, дейиш мумкин. Бу фикрни Маромноманинг қуйидаги бандлари билан изоҳлаш мумкин: «Фирканинг мақсади: 1)Русияда маҳаллий ва миллий адами марказият (федерация) асоси узра Халқ Жумхурияти ташкил этмакдур. 2)Фирқа Туркистон, Қирғизистон, Қофқоз ва Бошқирдистон қитъалари (ўлкалари) учун ва бошқа миллий ва маҳаллий мухторият, Идил бўйи ила Қрим тоторлари учун ва бошқа Русияда яшайдургон турк қавмлари учун миллий мухторият талаб қиладур...4)Миллатнинг йигирма ёшга етуб, ақлият пайдо қилгон ҳар бир фарди: эр бўлсун, хотун бўлсун - синф, дин ва мазҳаб айирмасиға боқмасдан сайламак ва сайланмак ҳақина моликдур. 5)Юқорида мазкур барча мухториятли қитъалар марказий ҳукумат ила Ватан мудофааси, пул чиқармак, бож ва хорижий ҳукуматлар ила муносабатда бўлмоқ хусусларида алоқа ва иртиботини(боғлиқликни) муҳофаза қилур. 6)Мухториятли қитъалар доҳилий масъалалар (идорий, молий, шаръий, маданий, адлий ва маориф ишлари)да мустақилдур...»¹¹⁸.

Демак, демократик Россия таркибида мухторият ташкил қилиш учун кураш 1917 йил давомида тараққийпарварларнинг асосий мақсад - интилишлари бўлди.

¹¹⁸ Туркистонда халқ жумхурияти //Фан ва Турмуш.-1990.-№7.-Б.6-7.

Ўлкадаги демократик жараёнлар ривожда водийдаги қирғиз миллий жамиятлари ҳам фаол қатнашдилар. 1917 йилнинг 17 июнида Андижонда «Элатия» жамияти тузилиб, унинг раҳбар ҳайъатига Кенжа Али Дўстов, Сулаймон Келганбоев, Ботирхон Меирбеков ва бошқалар аъзо бўлиб кирдилар. Жамият ўз олдида қуйидаги вазифаларни қўйган эди: 1)Кўчманчи аҳолини Россиядаги янги давлат тузуми ғоялари билан таништириш; 2)Таъсис Мажлисига тайёргарлик; 3)Янги ижтимоий-сиёсий жамият учун таянч бўлувчи жамоатчи кучларни ташкил қилиш; 4)Қирғизлар орасида ҳуқуқий-тартиботни жорий қилиш; 5)Қирғиз, қипчок ва қозоқларни ўз миллий ва сиёсий-иқтисодий манфаатлари ҳимояси учун ягона иттифоққа бирлаштириш ғояларини ташвиқ қилиш; 6)Газета ташкил қилиш ва ҳ.з ¹¹⁹.

Водийнинг Андижон, Наманган, Скобелев каби шаҳарларида октябр воқеалари арафасида ҳам ўлкадаги миллий ҳаракатлар ривожланиш жараёнини ўзида ифода этган кўплаб йиғинлар бўлиб ўтди.

Бироқ, 1917 йил октябр-ноябр ойига келганда ўлкадаги сиёсий вазият кескин ўзгарди. Петроградда ҳокимиятни болшевиклар томонидан зўрлик билан қўлга олиниши Туркистон тараққийпарварларини ўз режаларини ўзгартиришга мажбур этди.

¹¹⁹ Знамя свободы.-1917.-21 июн.

Орадан кўп ўтмай, Тошкентда 15-22 ноябр кунлари ишчи, солдат ва крестян депутатлари Советларининг III- ўлка съезди бўлиб ўтди. Съезд сўл эсер, болшевик ва максималистлардан иборат Туркистон Халқ Комиссарлари Совети (раиси-Ф.И. Колесов) тузилганлигини эълон қилади. Ҳукумат таркибига маҳаллий аҳолидан биронта ҳам вакил киритилмади. Туркистон Халқ Комиссарлари Совети дастлабки кунларданок ўзининг шовинистик, янгича кўринишдаги мустамлакачилик сиёсатини олиб борди. Янги ҳукумат маҳаллий аҳолига паст нуқтаи назар билан қараб, умумий аҳолининг 95% идан ортиғини ташкил этувчи ерли миллат вакиллари ҳукуматга яқинлаштирмаслик, уларнинг диний ва миллий урф-одат ва анъаналарини менсимаслик каби сиёсатни олиб борди. Бундан норози бўлган ўлка тараққийпарварлари кутилаётган Таъсис Мажлисидан умидларини уздилар ҳамда фаолиятларини шароитга мослаштирган ҳолда давом эттирдилар.

«Шўрои Исломия» ва бошқа маҳаллий ташкилотларнинг ташаббуси билан 1917 йил 26-29 ноябр кунлари Қўқонда ўлка мусулмонларининг IV-фавқулодда съезди бўлиб ўтди. Съезд ишида Туркистоннинг барча ҳудудларидан 300 дан, ортиқ жумладан, рус ташкилотлари вакиллари ҳам делегатлар иштирок этди.

27 ноябр куни съезд Таъсис Мажлисининг чақирилишига ҳеч қандай умид қолмаганлиги ва ягона йўл мухторият эълон

қилиш эканлигини эътироф этган ҳолда, Туркистон Мухторияти тузилганлигини эълон қилди¹²⁰.

Советларнинг III Ўлка съезди шовинистик қарорларига қарама-қарши ўлароқ мусулмон қурултойи ўз ишининг барча босқичларида чинакам байналмилалчилик тамойили, ўлканинг кўп миллатли, шу жумладан европалик қисми аҳолиси манфаатларини ҳисобга олишдан келиб чиқди. Бундай инсонпарварлик ёндашуви IV мусулмон қурултойи очилган пайтданоқ намоён бўлди. Жумладан, Махмудхўжа Беҳбудий съезднинг ҳуқуқий асосга эгаллиги ҳақидаги нутқида шуни алоҳида таъкидладики, «Съездда Туркистоннинг европалик аҳолиси вакиллари иштирок этаётгани учун ҳам съезд қарорлари янада обрўлидир»¹²¹. М.Беҳбудий съезд ҳайъатига турли мусулмон, рус, яҳудий ва ҳоказо гуруҳлардан вакиллар киритилишини таклиф этди. Ундан кейин сўзга чиққан Қўқон вакили Обиджон Махмудов ҳам «Ҳайъатга сайловларда вилоят ва айрим диний ҳамда миллий гуруҳлар бўйича эмас, балки билимдон ва ишчан кишиларни танлаш асосида киришиш» зарурияти ҳақида гапирди¹²².

Маҳаллий халқ жойларда ушбу хабарни шоду-хуррамлик билан кутиб олди. Съездда ҳукумат органлари: Туркистон

¹²⁰ Агзамходжаев С.С. Туркистон Мухторияти: Борьба за свободу и независимость (1917-1918гг.): Автореф. дис. д-ра. ист. Наук.-Ташкент, 1996.-С.45.

¹²¹ Туркестанский вестник. 1917.-9дек.

¹²² Улуғ Туркистон. 1917.- 8 дек.

Мухториятининг Муваққат Ҳукумати ва Миллий Халқ Мажлиси тузилди. Халқ Мажлиси 54 кишидан ташкил топган бўлиб, 1/3 ўрин европалик миллат вакиллари учун ажратилди.

Туркистон Мухторияти таркибида кўплаб фарғоналик жадидлар масъул лавозимларда ишладилар. Фарғоналик жадидлар бутун фаолиятлари давомида Мухториятни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни тарғиб ва ташвиқ қилдилар.

Халқ Мажлисига Фарғона вилоятидан Шоислом Шоаҳмедов, Абдурахмон Ўразаев, Ҳидоятбек Юрали Акаев, Носирхонтўра, Тошхўжа Ашурхўжаев, Миродил Мирзааҳмедов, Абдулқодир Қушбеғиев, Обиджон Маҳмудов, Жамшидбек Қорабековлар кирдилар.

Съездда миллий пул жамғармаси ташкил этилиб, фарғоналик тараққийпарварлардан Миродил Мирзааҳмедов 10.000 рубл миқдорида пул ўтказди¹²³.

1918 йил 10-11 январ кунлари Андижонда «Муайян ул-ислом» жамияти идорасида мусулмон жамоат ташкилотларининг съезди бўлиб ўтди. Делегатлар томонидан уезд маъмуриятидаги барча шахслардан Туркистон Мухторияти Муваққат Ҳукуматини тан олганлиги ҳақидаги тилхатни олиш учун съезд президиуми аъзоларидан махсус комиссия тузиш ҳақида таклиф билдирилди. Бундан ташқари,

¹²³ Свободный Самарканд.-1917. - 5 дек.

Мухториятни қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлаш учун ҳар бир волостдан вакилларни жалб этган ҳолда халқ милициясини ташкил қилиш ҳақида қарор қилинди¹²⁴.

Болшевиклар ҳар қандай йўл билан бўлса ҳам, Туркистон Мухториятига халқни қарши қўймоқчи бўлдилар. Бунга жавобан, Фарғона вилояти мусулмон меҳнаткашларининг съезди (1917й. декабр) мусулмон меҳнаткашларини барча воситалар билан Мухториятни қўллаб қувватлашларини билдирди¹²⁵.

Туркистон Мухториятини Фарғона водийси аҳолиси томонидан қўллаб-қувватланганлиги тўғрисида архив ҳужжатлари ва миллий матбуот саҳифаларида кўплаб маълумотлар берилган. Жадиждлар ушбу митинг ва намоёишларни асосий ташкилотчилари бўлдилар.

Жумладан, 1 декабрда Наманган уездида 100 мингга қадар киши иштирок этган намоёиш бўлиб ўтди. Намоёишчиларнинг байроқларига «Яшасун мухториятли Туркистон ва унинг ҳукумати!» сўзлари ёзилган эди.

6 декабрда Жалолобод волостида қарашли Хонобод қишлоғида ҳам Мухторият эълон этилиши муносабати билан намоёиш ўтказилди. Бир неча мингдан ортиқ киши Фозилхон мазоридан то бозорга қадар йиғилиб турди. Намоёишда Абдулла эшон ва Ҳусейн Валидий сўзга чиқиб, халққа

¹²⁴ Свободный Туркестан.-1918.-15 фев.

¹²⁵ Свободный Самарканд.-1917.-16 дек.

Мухториятнинг ташкил этилиши, мақсадларини тушунтиришди.

7 декабрда Қўқон шаҳрининг 42 жамоат ташкилотлари номидан йиғилган вакилларнинг қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Унда қабул қилинган қарорда кўп миллионли Туркистон халқига табриклар йўлланди¹²⁶.

Мухторият ҳукумати томонидан маданий маърифий ишларни яхши йўлга қўйиш мақсадида махсус «Мусулмон халқ маорифи» бўлими ташкил қилинди. Унинг раҳбари этиб, Фарғона «Шўрои Исломия»сининг фаолларидан Саййид Носирхонтўра тайинланди¹²⁷.

Бироқ, хужжатли маълумотларга кўра, Туркистон Мухториятининг ташкил топиши ва унинг ўлка маҳаллий аҳолиси манфаатларига мос тушувчи сиёсати болшевиклар томонидан салбий тарзда кутиб олинди. Воқеалар ривожини Қўқонда тузилган Мухтор Ҳукуматнинг 1918 йилнинг феврал ойида қонга ботирилиши билан хотима топди. 18 февралдан 19 февралга ўтар кечаси Туркистон Халқ Комиссарлари Совети томонидан юборилган 11 эшелон ҳарбий қисмлар Қўқонга етиб келди. Отлиқ аскарлар, артиллерия ва пиёда қисмлари билан бирга ҳарбий комиссар Е. О. Перфильев ҳам

¹²⁶ Аъзамхўжаев С. Туркистон Мухторияти-жадидлар миллий-демократик давлатчилиқ ғояларининг амалдаги ифодаси. Жадидчилик: ислохот, янгилаиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш (Даврий тўплам№1).-Тошкент: Университет, 1999.-Б.158-159.

¹²⁷ Свободный Туркестан.-1918. 31 янв.

келди. Тиш тирноғи билан қуролланган болшевиклар қўшини Туркистон Мухториятини зўрлик билан тор-мор қилди¹²⁸.

Туркистон Мухторияти ҳукуматининг тор-мор этилиши ва шундан кейин маҳаллий аҳолига қарши жазо компаниясининг авж олиши, водийда истиқлолчилик ҳаракатининг келиб чиқишига, Ватан ва миллатнинг, аввало Фарғонанинг асл фарзандларини эрк ва озодлик учун қўлларига қурол олишга мажбур этди.

Шундай қилиб айтиш мумкинки, Туркистон Мухторияти миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш масаласини демократик йўл билан ҳал этишга бел боғлаган халқ иродаси ва илғор зиёлиларнинг кўтаринки хатти-ҳаракатлари заминида вужудга келди. Табиийки, зўравонлик, шовинизм билан қуролланган янги мустабид болшевиклар миллий мустақилликка интилишнинг ҳар қандай кўринишига тиш-тирноғи билан қарши эдилар. Синовдан ўтган эски усул-ҳалқни алдаш, шафқатсиз кириш, талаш усули бу гал ҳам ишга солинди ва эзгу ниятлар, катта мақсадлар билан юзага келган ҳаётбахш ғоялар куртаклигидаёқ эзиб ташланди. Бу ҳаракатнинг бошида турган илғор, хур фикрли зиёлилар, фидойи инсонлар эса узоқ йилларгача « халқ душмани» деган сохта ном билан бадном этиб келинди.

Хулоса қилиб айтганда, Фарғона жадиidlари ижтимоий-сиёсий фаолиятини ўрганиш шуни кўрсатадики, уларни

¹²⁸ Норкулов Н. Мухториятнинг тугатилиши //Фан ва Турмуш.-1990.-№8.-Б.9.

касбий фаолиятига кўра, ўзаро муҳолифатсиз бўлган тўртта йирик йўналишга ажратиш мумкин: Сармоядорлар гуруҳи, жаҳид драматургияси ва театри вакиллари, жаҳид муаллимлари гуруҳи, тараққийпарвар уламолар гуруҳи. Уларнинг қўллаб қувватлаши ва ҳимояси остида Водийда кўплаб жаҳид мактаблари ташкил этилди. Кейинчалик эса, сиёсий жаҳаларда ҳам улар жаҳидлар билан ҳамкорликда фаолият юритдилар.

XIX асрнинг сўнгги чорагидан бошлаб водийда янги усул мактаблари ташкил топди. Бу мактабларда дастлаб Қозон, Оренбург, Тошкентда нашр этилган ўқув дарсликларидан фойдаланилди. XX асрнинг 10-йилларидан эътиборан эса, маҳаллий жаҳидлар томонидан ҳам кўплаб дарсликлар нашр эттирилди.

Жаҳидлар учун маърифатпарварлик доимо устивор йўналишлардан бири сифатида қолаверди. Жумладан, улар чор тузумининг зулми нисбатан юмшаган шароитда янги усулдаги мактабларни ташкил этиш бўйича куч-ғайратларини сезиларли даражада кучайтиришди.

1917 йил феврал бошларига келиб чор ҳукумати томонидан Туркистонда 4 мингдан ортиқ бола ўқийдиган 100 га яқин янги усулдаги мактаблар рўйхатдан ўтказилган, шулардан: 39 таси - Сирдарё, 30 таси - Фарғона, 18 таси - Еттисув, 5 таси - Самарқанд вилоятларида жойлашган¹²⁹.

¹²⁹ Ўз МДА, ф. И-47, оп. 1, д. 955, л. 230.

Уларнинг ҳаммаси хусусий маблағлар ҳисобига фаолият юритган бўлиб, ўқиш учун ойига 50 тийиндан 3 сўмгача ҳақ олинар эди.

Маърифатчиликни жадиждлар дастлаб мактаб ташкил этишдан бошлаган эдилар. 1916 йилга келганда эса, маҳаллий тараққийпарварлар томонидан Фарғона водийсида Олий ўқув юртини ташкил этиш учун ҳам ҳаракатлар бўлди¹³⁰. Театр санъати орқали маърифатчилик ғояларини тарғиб қилиш учун кўплаб драматик асарлар яратилди ва ижро этилди. Шу билан бирга улар халқни маиший турмуш соҳасида ҳам маърифатли қилишнинг тарғиботчилари бўлиб майдонга чиқдилар. Миллатни иқтисодий, сиёсий маиший турмуш соҳасида маърифатли қилишга интилиб фаолият олиб бордилар. Улар ўз маърифий фаолиятлари билан бидъат ва хурофотга, жамият тараққиётига тўсиқ бўлаётган ҳар қандай ҳолатга қарши муросасиз кураш олиб бордилар.

Феврал инқилобини фарғоналик тараққийпарварлар зўр кувонч билан кутиб олиб, уни Ҳуррият деб атадилар. Водийда «Шўрои Исломия» ва «Шўрои Уламо» жамиятларининг ва бошқа ташкилотларнинг шўъбалари тузилди. Миллий зиёлиларнинг сиёсий фаоллиги ошди. Таъсис Мажлисига тайёргарлик ишларида жадиждлар изчил амалиётга киришдилар. Туркистон Мухториятини тузишда фаол иштирок этган Фарғона жадиждлари кейинчалик уни

¹³⁰ Шамсутдинов Р. Жадиждчилик: Ҳақиқат ва уйдирма //Мулоқот.-1991.-№12.-Б.20.

мустаҳкамлашда ҳам алоҳида хизматлар кўрсатдилар. 1917 йил февралдан кейин водийда тез орада «Кенгаш», «Юрт», «Тирик сўз», «Хуррият», «Равнақул Ислом», «Эл байроғи» каби газета-журналлар дунё юзини кўрди. Фарғона жадинлари матбуот саҳифаларида чоп эттирган мақолалари орқали мавжуд ижтимоий жараёнларга нисбатан ўзларининг сиёсий муносабатларини билдириб бордилар.

Туркистон Мухториятини ташкил этиш учун муқаддас кураш жараёнида жадинларнинг ҳам ўз ўринлари бор. Жадинлар ўз фаолиятлари давомида доимо миллий манфаатлар, халқ бахту-саодати йўлида фаолият олиб бордилар.

ХУЛОСА

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг, тарих фани соҳасида ҳам улкан ишлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида» ги қарори¹³¹ ўзбек тарихшунослигининг бундан кейинги йўналишини белгилаб олишда, ўзбек миллий давлатчилиги тарихини тадқиқ этишда ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар тарихини ёритиб беришда, умуман тарихимизнинг концепциясини ишлаб чиқишда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Шунингдек, Ўзбекистон Президенти Ш.М. Мирзиёев Олий Мажлисга мурожаатномасида: «...Олдимизга қўйган улкан вазифаларни амалга оширишда биз учун куч-қудрат манбаи бўладиган миллий ғояни ривожлантиришимиз зарур. Хусусан, миллий ўзлигимизни англаш, Ватанимизнинг қадимий ва бой тарихини ўрганиш, бу борада илмий-тадқиқот ишларини кучайтириш, гуманитар соҳа олимлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз лозим»¹³², -деб кўрсатиб ўтди.

Туркистон халқлари тарихида чуқур из қолдирган улкан ижтимоий-сиёсий ҳаракат-жадидчилик янгидан, ҳолисона

¹³¹ Ўзбекистон овози.-1998.-28 июл.

¹³² Ўзбекистон Республикаси Президенти 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси //Адолат, 2018 йил 29 декабрь.

ўрганилиши лозим бўлган тарихий жараёнлар жумласидандир.

Туркистон жаидчилик ҳаракати ҳақида кўплаб тадқиқотлар эълон қилинди. Бироқ, ушбу ҳаракатнинг ажралмас қисми бўлган Фарғона водийсидаги жаидчилик ҳаракати тарихчи олимларимиз томонидан жуда кам ўрганилган мавзудир.

Туркистон забот этилгач, бу ерда ҳарбий-полиция тартибига асосланган бошқарув услубини жорий этилди. 1876 йилнинг 19 феввалида император Александр II нинг фармони билан Қўқон хонлиги тугатилади ва ўрнида Фарғона вилояти ташкил этилди. Шу билан бирга водийда ўзига хос бўлган миллий давлатчилик ҳам тугатилди. Фарғона вилояти иқтисодий ва меҳнат ресурслари жиҳатидан Туркистон генерал-губернаторлигидаги етакчи вилоят ҳисобланган. У беш уезд (Қўқон, Наманган, Скобелев, Андижон ва Ўш) дан ташкил топган эди. Туркистон генерал-губернаторлиги таркибида бўлган Фарғона вилояти мустамлакачилик ва миллий зулмнинг ёрқин намунасига айланди. Ҳокимият бутунлай подшо ҳарбийлари қўлига ўтиб, вилоят ҳарбий губернатор томонидан бошқариладиган бўлди. Фарғона метрополиянинг арзон ишчи кучи ва хом ашё базасига айланиб, маҳаллий халқнинг турмуш шароити кундан-кун ёмонлашиб борди.

Биринчи жаҳон урушида Россиянинг иштирок этиши, урушдаги мағлубиятлар, империянинг барча ҳудудларида,

хусусан, Туркистонда ҳам халқ оммаси норозилигининг кучайиши, ижтимоий-сиёсий фаоллигининг ортишига сабаб бўлди.

Чор ҳукумати ўзига таянч яратиш мақсадида Туркистон ерларига рус аҳолисини кўчириш сиёсатини ўтказди. Пахта экилмайдиган ерлардаги маҳаллий аҳолининг ерлари тортиб олиниб, рус деҳқонларига берилди.

Маҳаллий халқ турмуш даражасининг пасайиб бориши, шариат қоидаларининг бузилиши, миллий ва диний қадриятларнинг топталиши, жиноятчиликнинг кучайиб бориши, халқнинг мавжуд тузумга нисбатан нафратини янада кучайтирар эди. Шу боис халқ ичидан етишиб чиққан илғор фикрли кишилар мустамлака зулмидан халос бўлишнинг турли йўлларини излардилар.

Барча жабҳаларда маҳаллий халқ манфаатларини фақатгина етук билимли, малакали мутахассисларгина ҳимоя қила олиши мумкинлигини тушунган илғор зиёли ва сармоядорлар қатлами XIX аср охирларида водийдаги дастлабки янги усул мактабларини ташкил қилдилар.

Водийдаги тараққийпарварчилик ҳаракатининг вужудга келишида Россия мусулмонлари орасида И. Гаспирали томонидан кенг ёйилган жаидчилик ҳаракати, мусулмон ва шарқ мамлакатларидаги миллий озодлик ғоялари ва ҳаракатларининг таъсири катта бўлди.

Мавжуд муаммоларни ислохотлар йўли билан ҳал қилиш, замонавий илм-фан ва техникаси ютуқларидан

фойдаланиш каби фикрлар XIX асрнинг иккинчи ярмида яшаб ижод этган маърифатпарварлар томонидан ҳам олға сурилган. Бирок, XX аср бошларидаги Фарғонадаги жаидчилик ҳаракати улардан бу мақсадларни амалга ошириш йўллари ва йўналишлари, жаид намояндаларининг мақсад ва интилишлари билан фарқ қилади.

Фарғонада жаидчилик ҳаракатининг шаклланишига подшо ҳукуматининг маориф соҳасидаги сиёсати ҳам сезиларли даражада таъсир кўрсатди. Мустамлакачилар маҳаллий халқ маориф тизимини ўзгартирмасдан қолишини истар ва шу орқали ўлкани абадий асорат остида қолдирмоқчи эдилар. Бу эса, илғор фикрли зиёлилар олдига тез орада замонавий услубдаги мактаблар тизимини жорий этиш масаласини кўндаланг қилиб қўйди. Водийдаги дастлабки янги усул мактаби Қўқон уездида Аҳмаджон қори томонидан 1892 йилда очилган.

Вилоятда миллий матбуот юзага келгунга қадар Боғчасаройдан чиқувчи «Таржумон», Қозондан чиқадиган «Вақт», «Юлдуз» ва бошқа газета ва журналлар орқали Фарғона жаидлари дунё халқларининг миллий уйғониш ғоялари билан танишиб бордилар.

Водийдаги жаидчилик ҳаракати ўзининг чуқур маҳаллий илдизларига эга.

Тараққийпарварларнинг ҳаракати туфайли XX аср бошларига келиб Фарғона минтақасида ўнлаб янги усул мактаблари фаолият кўрсатмоқда эди.

Россия ва шарқ мамлакатларида бошланган инқилобий ўзгаришлар фарғона жадиidlари фаоллигининг ошувига катта туртки бўлди ва жадиdчилик ҳаракати ушбу жараёнлар таъсирида сиёсий тус ола бошлади.

1908 йилга келиб Қўқон шаҳрининг бир гуруҳ илғор фикрли мадраса талабалари томонидан «Шамсинур» жамияти тузилади.

Ушбу жамият аъзолари халқ оммасини илмли, маърифатли қилишни, мадрасаларда аниқ Фанлар ўқитилишини жорий қилинишини биринчи галдаги вазифалардан деб билдилар. «Шамсинур» жамияти фаолиятида жадиdларнинг сезиларли таъсири бўлган.

1912 йил 20-июлда Қўқон шаҳрида «Қўқон артистлар тўғараги» ташкил этилган бўлиб, таниқли жадиd Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий унинг асосчиларидан бири эди.

Биринчи жаҳон уруши йилларида ўлка зиёлилари ҳам ижтимоий-сиёсий ҳаётга фаол аралаша бошладилар. Худди шу даврда Фарғонада ҳам миллий нашрлар ташкил этилди ва жамиятлар тузиш учун дадил қадамлар ташлана бошлади.

1916 йил Қўқон шаҳрида тараққийпарварлар томонидан «Ғайрат» жамияти тузилади. Бу жамиятнинг ўз олдига қўйган мақсадлари: янги усул мактабларини дарслик, дафтар ва ўқув қуроллари билан таъминлаш, китоб, газета ва журналларни маҳаллий тилда чоп этиб тарқатишдан иборат бўлган.

Худди шу даврда Андижонда ҳам жадиdларнинг «Тараққийпарвар» жамияти ташкил топди. Андижонда илғор

фикрли ёшлар жамиятининг пайдо бўлиши, уларнинг ўлка ижтимоий-сиёсий ҳаётига фаол аралшиб бориши, мустамлака ҳукумат айғоқчиларининг эътиборини ўзига тортган.

Тарақийпарварлар халқ орасида ташвиқот-тарғибот ишларини яхши йўлга қўйганлар. Улар уезд маъмурларининг порахўрлигини товламачилигини омма орасида ошкор этганлари учун ҳам мустамлакачи маъмурият улардан қутилиш чораларини излай бошлаганлар.

1914 йилдан эътиборан, Фарғона жадиidlари ўз даврий матбуотлари «Садойи Фарғона»га эга бўлдилар. Бу газета ўз даврида маҳаллий халқ миллий-сиёсий онгининг шаклланишида катта аҳамиятга эга бўлди.

1917 йил феврал инқилоби берган сиёсий имкониятлардан самарали фойдаланган Фарғона тарақийпарварлари «Кенгаш», «Юрт», «Хуррият», «Тирик сўз», «Равнакул Исломи», «Эл байроғи» каби ўз нашрларини йўлга қўйдилар. 1917 йил феврал инқилобидан кейинги жараёнлар фарғоналик жадиidlар сиёсий фаолиятининг юксак чўққиси бўлди. Водийда «Шўрои Исломия» ва «Шўрои Уламо» жамиятларининг шўъбалари тузилди. Ундан ташқари «Мусулмон маданий-маърифий жамияти», «Санойи ул-ислом», «Муфтаҳ ул-маориф», «Хаваскорони маориф», «Турон», «Талабалар жамияти», «Элатия», «Муайян ул-ислом», «Хуррият ва маърифат ва шариат» жамиятлари, «Турк Адами Марказият фирқаси»нинг шўъбалари тузилди.

Водий жадиidlари Туркистон Мухториятини ташкил этишда фаол иштирок этиб, уни кўллаб қувватладилар. 1918 йил феврал ойида Туркистон Мухторияти тугатилгунга қадар улар мухторият учун курашдилар ва уни ҳимоя қилдилар.

Водийдаги жадиdчилик ҳаракати ривожланиш босқичини 3та даврга бўлиш мумкин: 1) **Маърифатчилик босқичи: XIX аср охирларидан 1908 йилларгача;** 2) **Маърифатпарварликнинг кенгайиши ва сиёсий фаоллашувнинг ўсиш босқичи:** 1908 йилдан 1917 йилгача; 3) **Туркистон Мухторият учун кураш босқичи:** 1917 йил феврал инқилобидан 1918 йил февралгача.

Тадқиқот жараёнида жадиd ва қадимчиларнинг жамият ислоҳига оид қарашларига ҳам бир мунча кенг ёндашилди. Ҳозирги кунга қадар фақат қораланиб келинган уламолар қатламининг ҳам Туркистон мустақиллиги ва озодлиги йўлида тутган ўз ўринлари бўлганлиги янги ҳужжатлар воситасида аниқланди.

1917 йил июн ойига келиб, «Шўрои Исломия» ташкилотидан халқ орасида катта нуфузга эга бўлган «Шўрои Уламо» жамияти ажралиб чиқди.

Тез орада Туркистоннинг кўплаб шаҳарларида хусусан, Фарғона водийсида ҳам «Шўрои Уламо»нинг шўъбалари тузила бошлади.

«Шўрои Исломия» ва «Шўрои Уламо» ташкилотлари Туркистоннинг озодлиги ва сиёсий мустақиллиги ғоясига таянар эдилар. Бироқ, «Шўрои Уламо» нинг вакиллари

